



**БОЛАНГИЗ МАКТАБГА КЕТДИ! ДАН КЕЛДИ...**



**«УЙГА ҚАЙТСА, КЕЧИРАМАН»**



**АЛДАНГАН КУЁВ ёки гуноҳкор келин тавбаси**



**УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР...**



Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.

Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

*Кўчалардан кўтариб ўтганинг бешик бўлсин,  
Уйингдан чиққан овоз алла ҳам қўшиқ бўлсин.  
Қиз кўрсанг Ширин каби ширин бўлсин, озода,  
Ўғил кўрсанг камида Фарҳоддай ошиқ бўлсин!*

## “ОБУНА — 2010”

Муҳтарам муштарий!

Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улугроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

### ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176  
Ташкилотларга — 177



### КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига Миллий байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллиги куни муносабати билан дунёнинг барча давлатлари президентлари ва ҳукумат раҳбарлари томонидан самимий кутловлар келиб турибди.

→ Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу йил 24 сентябрдан 16 октябргача Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан режалаштирилган сўнгги машғулот йиғинида қатнашиш учун Испанияга жўнаб кетди.

### БУГУН:

→ Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Тошкентдаги “Экспо-марказ”да 7-10 сентябрь кунлари қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

→ Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича давом этаётган жаҳон чемпионати (133 мамлакатдан 554 нафар энг кучли “чарм қўлқоп” усталари таклиф этилган)да муваффақиятли қатнашаётган мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларидан олти нафари (Тўлашбой Дониёров(54кг), Баҳодир Султонов (57кг), Ботир Маҳмудов (69кг), Аббос Атоев (75кг), Элшод Расулов (81кг), Рамз Аҳмедов(91 кг)лар чорак финалга чиқшиди.

### ЭРТАГА:

→ Ҳар галгидан кўра, бу йил ўзгачароқ бошланаётган куз фаслининг об-ҳавоси ҳақида синчков синоптиклару манаман деган башоратчилар ҳам жўялироқ маълумот беришга ўйла-ниб қолишяпти. Табиатнинг бундай қутилмаган ўзгаришлари ҳаммани — деҳқону соҳиб-корни, чорвадору қурувчини ҳам шошириб қўйиши турган гап!..

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Муддатидан аввал туғилган чақалоқ... яшаб кета оладими?	4
Биометрик паспорт қачон берилади?	5
Энди банклар омонатга хиёнат қилишмайди	6
Теледастурлар	8-10
Малика Диананинг «Золушка» эртагига алоқаси бор(ми)?	11
7000 сўм учун... 7 миллион сўмини алмаштираман деб, қўлга тушди	12
Фақат эркаклар чалинадиган касалликнинг давоси хусусида	13
«Ўғай» сўзи кўкайини куйдирган она	14

Табриклаймиз!

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Энг улуг ва энг азиз айём — мустақиллиги мизнинг ун саккиз йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Самарали меҳнати ва эришгаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги

билан умумхалқ иззат-хурматиға сазовор бўлган» бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотланган эдилар. Улар орасида республикамизнинг турли ҳудудларида яшаб, меҳнат қилаётган зиёли, маҳалла фаоллари ҳамда маслаҳатчилари — хотин-қизлар ҳам бор. Биз бугун газетамизнинг кўп сонли мухлислари номидан ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлган опа-сингилларимизни санимий қўтлаб, уларнинг рўйхатини эълон қилаёلمиз.

«Эл-юрт хурмати» ордени билан Араббоева Фаридахон Даминовна — Пахтаобод туманидаги «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти.

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан Абдурахимова Фарида Юлдашевна — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Аҳмедова Дилкуша Абдукаримовна — Хонобод шаҳридаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти.

Комилова Ўғиллой Абдухамидовна — Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

«Меҳнат шухрати» ордени билан Турдиева Хумор Раҳматовна — Қарши шаҳридаги «Арал» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти.

Қурбонова Амирхол Омоновна — Қумқўрғон туман ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўми-

таси раиси, Сурхондарё вилояти.

«Дўстлик» ордени билан Асланова Шаҳодат Тўраевна — Шахрисабз тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси, Қашқадарё вилояти.

Болтабоева Санобар — Бувайда туманидаги «Бувайда» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фаргона вилояти.

Бочкарева Тамара Александровна — Чилонзор туманидаги «Нақшошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри.

Жаманчаева Серсенгул Кенжабековна — Пешку туманидаги «Варахшо» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти.

«Шухрат» медаллари билан Асқарова Маърифат — Тўрақўрғон туманидаги «Катта Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти.

Бастамова Фарида Мамасолиевна — Арнасой туманидаги «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти.

Қосимбетова Бибисанем Жумабаевна — Қораўзақ туманидаги «Қорақул» овул фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маъ-

навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси.

Мусаева Муборак Султоновна — Бўка туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти.

Омонова Одина — Олтинқўл туманидаги «Айшахоним» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти.

Раупова Нилуфар Хайдаровна — Ғузур туманидаги «Баташ» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти.

Тошева Фозила Раҳматовна — Когон туманидаги «Сараён» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти.

Хўжаева Карима Нуриддиновна — Денов туманидаги «Фаргона» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти.

Эргашова Хатича Исаевна — Шўрчи туманидаги «Ялти» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти.

«АЛЛА УЙИ» СИЗНИ ЧОРЛАЙДИ

Алла болам, алла-ё, Жоним болам, алла-ё. Гулу лолам, алла-ё, Ширин нолам, алла-ё. Алла айтсан мен боламга, Ухлаб қолсин, алла-ё. Ширин тушлар кўриб, Ором олсин, алла-ё...

Чақалогини бағрига олган онанинг меҳри қайнок, кўллари майин, эркалашлари эса тотли, ширин. Гўдагига ёник кўзлари билан боқиб турган онаизорнинг биргина

ширин табассумини таърифлашга сўз ожиз. Алла ижро этилаётганда эса сокин куй, куйма сатрлар, онанинг малоҳатли ҳаракатлари, ҳиссиётга тўла овози бир бутун ҳолда жамлангандек бўлади. Бу мангу кўшиқнинг халқ орасида асрлар давомида яшаб келаётганининг боиси ҳам балки шундадир.

Яқинда бой маънавий меросимиз намуналарини асраб-авайлаш, келажак авлодларга гўзал ҳолида етказиш ниятида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташаббуси, республика байналминал маданият марказининг кўмаги билан фольклоршунос Қунаввара Ёқуббекова лойиҳасига кўра, Тошкент шаҳрида «Алла уйи» маданий-

маърифий маркази ташкил этилди. Лойиҳага ва «Алла уйи»

маънавий-маърифий марказининг низомига биноан марказ ўзбек ва юртимизда яшаб турган бошқа миллат вакиллари фольклоридидаги халқ аллалари (бешик кўшиқлари)нинг намуналарини ёш келинчаларга, балоғат ёшидаги қизларга ўргатиш, алла куйлашни хоҳловчи, бу кўшиқ ҳақида тўлароқ маълумот олишни истовчи аёллари-

риятларимиз, маънавий мухитини соғломлаштиришга бўлган кизиқиш ва интилишларини кучайтириш, фарзандларнинг маънавий тарбиясини бойитиш ва уни амалга оширишга оналарни тайёрлаш ҳамда рағбатлантиришдек хайрли мақсадларни амалга оширишни режалаштирган.

«Алла уйи» маданий-маърифий маркази бу қадим сеҳрли юрак изҳорини кенг тарғиб қилиш орқали ўз юртдошларимиз, айниқса, хотин-қизлар ўртасида миллий қад-

миз, қизларимизни керакли маълумотлар билан таъминлаш, Аллатанловлари, фестивали, форум, конференция, семинар, маърифий кўрсатув ва эшиттиришларини ташкил этиш билан шугулланади.

КАДРИЯТ

«Алла уйи» маданий-маърифий марказининг тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова ўшбу марказнинг ташкил этилиши нафақат ёш оналар, келинчалар, уларнинг фарзандлари учун, балки халқимизнинг маданияти, фольклори ва этнографияси билан кизиқувчи барча кишилар учун ҳам муҳим ижобий ҳодиса эканини алоҳида таъкидлади.

«АХИЛОБОД»ДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Тошкент шаҳридаги «Самара» ресторани кошонасида Юнусобод туман ҳокимлиги, маънавият ва тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ахиллобод» маҳалласи фаоллари ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Шодидега ташриф буюрганлари «Ахиллобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким табриклади. Шунингдек, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Жамолитдин Шоаббаров, Юнусобод тумани маърифат ва маънавият бўлими мудирини Нигора Абдурахимова, туман «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Адиба Камолова, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари Раъно Хусанова ва Раъно Юсуповалар бу улуг байрамларнинг қадр-қимматини ҳусусида дил сўзларини айтиб, йиғилганларни кутлуг айёмлар билан кўтлади.

Тадбирда шунингдек, тумандаги мактабгача таълим муассасаси кичикйўлилари ва мактаб ўқувчилари ҳам ўзларининг бадийий чинқиллари билан анжуман иштирокчиларини хушнуд этишди. Кечада «Ахиллобод» маҳалласи фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ва фахрийларга совға-саломлар тақдим этилди.

Санобар ФАХРИДИНОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

Нигора РАҲМОНОВА, «Оила ва жамият» мухбири, Суратни Машраб НУРИНБОЕВ олган.



ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

«ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАХАТЧИ КИМ?»

— деган саволга жавоб топиш осон кечмади, — дея хабар беради Қашқадарё вилоятидаги мухбиримиз Шавкат СУЛТОНОВ.

Қарши шаҳрида Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўриқ-танловининг якуний босқичи мамлакатимизда маҳалла тизимиға алоҳида эътибор берилётганини ана бир бор исботлади.

Айниқса, аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, оилалар тотувлиги, одамлар орасида меҳр-оқибат ришталарини боғлаш йўлида фидойилик кўрсатиб ишлаётган маслаҳатчилар фаолияти таҳсинга лойиқ. Шу боис мазкур танловда иштирок этган барча қатнашчилар ҳақамлар хайъати аъзолари таъбири билан айтганда, аслида гўлиб бўлишга арзир эди. Лекин барибир бу нуфузли беллашувнинг ҳам ўзига хос шартлари борлиги боис гўлибликка даъвогарлар маҳорати холисона баҳоланиб, Қамаш туманидаги «Кизилтепа» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Норхол Файзиева биринчи ўринға сазовор бўлди. Хоразмлик Бекажон Собирова иккинчи, самарқандлик Сурайё Ашурова ҳамда бухоролик Зубайда Абдуллаевалар эса фахрли учинчи ўринларни эгаллашди.

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган махсус Дастур доирасида белгиланг анидек, пойтахтимиздаги ақшурлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази очилди.

Барча замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган мазкур марказда ўнта бўлим бир кунда 400 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатиш имкониятиға эга. Энг муҳими, бу даргоҳда мингдан зиёд энг малакали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Лутфия СУЯРОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

«АХИЛОБОД»ДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Тошкент шаҳридаги «Самара» ресторани кошонасида Юнусобод туман ҳокимлиги, маънавият ва тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ахиллобод» маҳалласи фаоллари ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. Шодидега ташриф буюрганлари «Ахиллобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким табриклади. Шунингдек, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Жамолитдин Шоаббаров, Юнусобод тумани маърифат ва маънавият бўлими мудирини Нигора Абдурахимова, туман «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Адиба Камолова, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари Раъно Хусанова ва Раъно Юсуповалар бу улуг байрамларнинг қадр-қимматини ҳусусида дил сўзларини айтиб, йиғилганларни кутлуг айёмлар билан кўтлади.

Тадбирда шунингдек, тумандаги мактабгача таълим муассасаси кичикйўлилари ва мактаб ўқувчилари ҳам ўзларининг бадийий чинқиллари билан анжуман иштирокчиларини хушнуд этишди. Кечада «Ахиллобод» маҳалласи фуқаролар йиғини томонидан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ва фахрийларга совға-саломлар тақдим этилди. Санобар ФАХРИДИНОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

Ушбу раъз остида берилган мақолада Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.



**Она бўлиш — ҳар бир аёл орзуси. Бу ширин ниёт замирида улуг ва мукаррам туйғу — меҳр ва муҳаббат мужассам. Она меҳри фарзанди вужудида пайдо бўлган кунданоқ орта бошлайди. Дилбандини тезроқ бағрига босишни хоҳлайди. Афсуски, айрим ҳолларда аёлларимизнинг бу орзу-умидлари энди ушалай деганда ундан бебахра қоладилар. Бу нохуш ҳолат — муддатдан олдин туғруқнинг содир бўлишидир.**

**Хўш, бунинг сабаби нима? Муддатдан олдинги туғруқнинг олдини олиш мумкинми? Шу каби саволларга Тошкент шаҳар 1-сон Пренатал маркази бўлим мудри, олий тоифали акушер-гинеколог Гўлнора РАҲИМОВА жавоб беради.**

Эки бунга турмуш ўртоғи мажбурласа, кўнади. Ваҳоланки, кетма-кет тугувчи аёлларда ҳам муддатдан олдинги туғруқлар сони юқори кўрсаткичга эга. Ҳомиладор аёл шифокор хузурига оила аъзолари билан келса, улар бўлажак она саломатлиги билан танишишса,

улар яшаётган муҳитнинг ҳам аҳамияти катта. Биз уларни қанча кўп назоратда ушласак, бунинг ҳомила ривожланиши, туғилишига ҳеч қандай салбий таъсири бўлмайди. Биз — шифокорларнинг асосий вазифамиз аёлларни қайта-қайта кўриқка чақиравермасдан, ак-



## МУДДАТДАН ОЛДИН ТУҒРУҚ:

### асоратлар олдини олиш мумкинми?

— Ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасидан 37-ҳафтаси оралиғида содир бўлган туғруқлар муддатдан олдин ҳисобланади. Бундай туғруқнинг бошланиши сабаблари жуда кўп. Шулардан бири Ҳомиладор аёллар орасида ҳали вояга етмаганларнинг ҳам борлиғидир. Аслида, 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган аёлларда Ҳомиладорлик жараёни ижобий кечади. Айрим ота-оналар қизларини 16-17 ёшдан турмушга беришади. Улар катта ҳаётга қадам қўяётган фарзандларининг соғлиғи ҳақида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Бундайлар келажакда қизларини бахтсиз қилиб қўйишлари мумкин. Шунинг учун қизларимиз балоғат ёшига етганларида уялмасдан гинеколог хузурига нафақат ўзлари, балки, улар билан оналари келиб, фарзандининг соғлиғи тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлишса, муддатдан олдинги туғруқларнинг сони нисбатан камайган бўларди. Иккинчидан, чекадиган аёллар орасида ҳам шундай хавф ҳар доим юқори туради. Агар аёл чекишга ўсмирлик давридан ружу қўйса, унинг бачадонида кўплаб нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. Шунингдек, болаликдан қабул қилинган турли дори-дармонлар ҳам киз бола организмнинг нуқсон, билан ривожланишига сабаб бўлади.

**— Туғруқлар орасидаги вақт оралиғининг муддатдан олдинги туғруққа таъсири борми?**

— Аслида меъёрдаги туғруқлар ораси 3 йилдан кам бўлмаслиги керак. Утган шу давр давомида аёл ҳисмонан қувватга кириб олади. Аммо кўпинча аёллар қутилмаганда Ҳомиладор бўлиб қолса, қўлидаги боласи ёшлигига қарамай, туғишга қарор қилади.

унга керакли ёрдамларни беришса, энг асосийси, оилада соғлом муҳит бўлса, албатта, бу оилада дунёга келган чақалоқ соғлом ривожланади.

**— Ҳомиладор аёлда муддатдан олдинги туғруқнинг аломатлари борлигини олдинроқ аниқлаш мумкинми?**

— Бўлажак она шифокор хузурига рўйхатга туриш учун келганда уни илк кўриқдан ўтказамиз. Текширувлар натижасида унда муддатдан олдинги туғруқнинг аломатлари сезилса, бу аёлга тез ёрдам муолажаларини буюрамиз. Бундай аёллар "Хавфи бор аёллар гуруҳи"га кирувчилар ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар учун нафақат дори-дармонлар, балки

синча уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаолларини оилавий тиббиёт муассасасига чорлаб, кўпроқ тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат. Бунда Ҳомиланинг аёл қорнида қандай ривожланиши, Ҳомиладорлик вақтида аёл ўзини қандай тутиши, унинг гигиена қоидаларига риоя қилиши, тўғри овқатланиши, тоза ҳавода мунтазам сайр қилиши лозимлигини тушунтирамиз.

Шунингдек, бу даврда аёл ҳаётга қандай ўзгаришлар хавф солиши мумкинлиги ва факуллода бундай ҳолатларда дарҳол шифокорга мурожаат қилишлари зарурлиги ҳақида ҳам маълумот беришимиз керак. Агар улар бундай маълумотларга эга бўлмасалар нохуш воқеалар содир бўлиши мумкин. Кўпинча Ҳомиладорлик ёмон натижа билан аяқланса, аксарият кишилар ҳамма жавобгарликни оилавий тиббиёт муассасаси шифокорларига тўнкаб қўйишади. Бу эса нотўғри. Аслида хатоликка йўл қўйиш шу оилдан бошланганини тан олгилари келмайди.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, аёл рўйхатга туриш учун шифокор назоратига келгандан бошлаб, Ҳомила етилгунга қадар, тўққиз ой давомида қанча вақт шифокор билан бирга бўлади? Аёл 9 ой давомида 10 марта кўриқка

келса, 150 дақиқа, яъни 2,5 соат дегани. Бундан кўриниб турибдики, аёл 2,5 соат шифокор билан мулоқот қилса, қолган 9 ой давомида оиласида бўлади. Шунинг учун Ҳомиладор аёлга нафақат шифокорлар балки, унинг оила аъзолари ҳам ғамхўр бўлсалар, яхши парвариш қилсалар, соғлом фарзанд дунёга келади.

**— Гўдаклар ўлимида Ҳомиладорлик муддатининг қай даражада кечгани ҳам маълум роль ўйнайдими?**

— Ҳомиладорлик муддати қанча кам бўлса, чақалоқнинг яшаб қолиш кафолати шунча паст бўлади. Вақти-соатига етиб, туғилган чақалоқнинг ташқи муҳитга мослашиши осон кечади.

**— Маълумки, ҳозирда кўпчилик Ҳомиладор аёлларни қондаги "инфекция" муаммоси ташвишга солмоқда. Бунинг Ҳомиладорликка таъсири борми? Мазкур ҳолатларда қандай муолажалар қўлланилади?**

— Айни даврда кенг тарқалган "Торч" инфекцияси мавжуд. Унинг 25 дан ортиқ турлари аниқланган. Бу инфекциялар 3 гуруҳга бўлинади:

**1-гуруҳ: Ҳомиладор аёлга ва унинг ҳомиласига таъсир қилмайдиган инфекциялар**

**2-гуруҳ: Олдини олиш мумкин бўлган инфекциялар**

**3-гуруҳ: Олдини олиш мумкин бўлмаган инфекциялар**

Агар Ҳомиладор аёл организмда инфекциянинг салбий тури бўлса, унга антибактериал даво қўлланилади. Баъзида 1-гуруҳга кирувчи аёлларга оилавий тиббиёт муассасасидан йўлланма бериб, туғруқ-онага жўнатилади. Уни қабул қилган шифокор беморга керакли муолажаларни буюрганда, бемор томонидан **"Нима учун дори қўйилмади?", "Нимага инъекция формасидаги муолажалар буюрилмади?"** деган саволлар келиб чиқиши мумкин.

Ваҳоланки, инъекция орқали муолажалар бу аёлга керак эмас. Чунки бу муолажалар аёл ёки унинг Ҳомиласи учун зарар келтириши ҳам мумкин.

**— Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотларни оилавий тиббиёт муассасаси шифокоридан ташқари яна қаердан олиш мумкин?**

— Ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Соғлом она — соғлом бола» Давлат дастури юзасидан аҳоли ўртасида турли учрашувлар, семинар, тренинглари, давра суҳбатлари ўтказилапти. Уларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, болани онанинг қорнида бенуқсон ривожланиши, унинг ой қуни етиб, соғлом туғилиши ҳақида кўплаб маълумотлар берилапти.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 июлида Президентимизнинг "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қароридан белгилаб берилган долзарб масала бўйича нафақат тиббиёт ходимларига балки, кенг жамоатчиликка, шу жумладан, бўлғуси оналарга ҳам жиддий вазифалар юклатилди.

**— Муддатдан олдин туғилган чақалоқнинг яшаш қобилиятини ошириш учун қандай усуллар қўлланилади?**

— Табиийки, эндигина туғилган чақалоқнинг янги муҳитга мослашиши биров қийин кечади. Айниқса, у муддатдан аввал дунёга келган бўлса, нимжон, камқувват бўлади. Унга алоҳида парвариш керак. Шу мақсадда биз бундай чақалоқлар саломатлигини барқарорлаштириш мақсадида S.PAP-O 2 ҳамда "Дазатор" аппаратидан фойдаланамиз. S.PAP-O 2 аппаратида чақалоқ керакли микдорда кислород оlib, эркин нафас олади. "Дазатор" орқали чақалоқнинг вазнига қараб, сониясига неча миллилитр дори- дармон юборилиши белгиланади.

Ҳа, фарзандини бағрига босган ота-оналар севинчини кўриб, биз ҳам қувонамиз. Чунки бу — улуг бахт. Шу сабабдан ҳам биз барчага бу олий неъматни тилаймиз.

**"Оила ва жамият" муҳбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА суҳбатлашди.**



— Президентимизнинг ушбу Фармонидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида паспорт алмаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган, — деди суҳбатдошимиз.

— Биринчи босқич 2010 йилдан бошланиб, бунда асосан республика вазирликлари, идоралари, муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элда хизмат қиладиган фуқароларимизга, шунингдек, муайян ёшга тўлган, қонунда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган шахсларга берилиши мўлжалланган. Иккинчи босқич 2011-2015 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу мuddатда республикамизнинг барча фуқаролари тўлиқ янги биометрик паспортлари билан ҳужжатлаштирилади.

**— Республика аҳолисининг биометрик паспортга ўтишига қандай зарурат бор? Бу паспорт ҳозир амалдаги ҳужжатдан нимаси билан фарқ қилади?**

— Биометрик паспортнинг республикамизда жорий этилишининг ўзига хос сабаблари бор. Халқаро фуқаролик авиацияси (ИКАО) ташкилотига аъзо давлатлар 2010 йилдан бошлаб биометрик паспортга ўтишлари белгиланган. Ўзбекистон ҳам бу халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида биометрик паспорт жорий этилган. Демак, бу жараёнга халқаро талаблардан бири сифатида қараш керак. Шунингдек, бу паспорт, виза билан боғлиқ ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг қалбакилаштирилиши олдини олиш ҳамда ҳимоя тизimini кучайтиришдан иборат. Энг асосийси эса бу фуқароларимизнинг дунёнинг барча мамлакатларида эркин ҳаракатланишлари учун шарт-шароит яратишдир. Биометрик паспортнинг зарурлиги яна шу билан белгиланадики, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификация қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда халқаро авиа ташишлар самарадорлигини оширишни кўзда тутати.

Биометрик паспортнинг кўриниши амалдаги паспорт билан деярли бир хил. Фарқига келсак, биометрик паспортнинг ҳимоя тизими кучайтирилган. Унинг орқа муқовасига махсус қурилма (микро чип) жойлаштирилади. Унда фуқаронинг биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Бу чегара пунктларидан ўтиш жараёнида фуқаронинг шахсни идентификация қилишни енгиллаштиради. Шу билан бирга уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм каби ҳолатларга қарши курашиш, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.


**— Амалдаги паспортни қалбакилаштириш ҳолатлари учраб туради. Биометрик паспортда бу хавф қанчага камаяди?**

— Биометрик паспортни қалбакилаштириш ҳолати дунё амалиётида ҳали аниқланмаган.

**— Биометрик паспортда қандай ўлчам (параметр)ларга таянилади?**

**Паспорт — фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади, одатда уни муайян ҳолатларда ёки ёши ўзгариши муносабати билан боғлиқ мuddатларда алмаштириш кўзда тутилган. Аммо 2010 йилдан бошлаб мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 23 июнидаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра, республикамиз фуқароларининг паспортларини алмаштириш жараёни бошланади. Ушбу Фармонга мувофиқ янги биометрик паспортга ўтиш хусусида батафсил маълумот олиш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник БАДРИДДИН УСМОНОВИЧ ШОРИХСИЕВга мурожаат қилдик.**

## ЯНГИ ПАСПОРТГА ЎТИЛМОҚДА



— Авваломбор, биометрик паспортга махсус қурилма жойлаштирилади, дедик. Унга фуқаронинг исми, шарифи, отасининг исми, туғилган санаси, манзили каби маълумотлари ва фуқаронинг биометрик маълумотлари, яъни ўша электрон кўринишга ўтказилган фотосурати ҳамда бармоқ излари киритилади.

**— Биометрик паспортга ўтиш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, хусусан, сиз раҳбарлик қиладиган бошқарма томонидан қандай тайёргарлик ишлари олиб борилляпти?**

— Президентимизнинг ушбу Фармонидан қайд этиб ўтилганидек, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг куйи тизимларида фуқаролар ҳақидаги биометрик маълумотларни тўплаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бизнинг бошқарма ва ички ишлар идораларининг жойлардаги, (шаҳар, туман) паспорт хизматларида маълумотларни йиғиш учун ажратилган хоналарни турли жиҳозлар билан таъминлаш, биометрик маълумотларни олиш учун зарур бўлган техник ан-

жомларни жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари Фармондан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгаришлар киритилмоқда. Уйлайманки, фуқароларга биометрик паспорт расмийлаштиришда муаммо туғилмайди.

**— Паспорт алмаштириш жараёнида фуқаро ўзининг шу ҳужжат билан боғлиқ муаммосини (айтайлик исми, фамилиясини) ўзгариши мумкинми?**

— Ўзбекистон Республикасида «Паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Низом»да бундай ҳолатлар билан боғлиқ масалалар тўлиқ ўз аксини толган. Унга мувофиқ фуқаро исми, фамилиясини ўзгариш ёки бошқа шу ҳужжат билан боғлиқ муаммосини ҳал қилиш учун паспорт хизматларига мурожаат қилиши мумкин. Шу ўзгариш жараёнида амалга оширишга асос бўладиган тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, масалан, қиз бола турмушга чиқиб, эрининг фамилиясига ўтадиган бўлса, бунинг учун никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳномага асосан унинг паспорти ўзгаришиб берилади. Биометрик паспортга ҳам худди шундай талаб қўйилади.

**— Паспорт алмаштириш оммавий тартибда ўтказиладими ёки хоҳловчилар ўзларига қулай пайтда, зарур ҳолатларда биометрик паспорт олишлари мумкинми?**

— Юқорида айтганимиздек ҳозирги кунда жойлардаги барча паспорт хизматлари бинолари таъмирланиб, фуқароларга қулай шароитлар яратилмоқда, уларни хоҳлаган вақтда мурожаат қилиш имкониятлари мавжуд.

**— Фуқаролар биометрик паспортларини олиш бўйича қаерга мурожаат этишлари керак?**

— Доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилишлари лозим. Улар томонидан ўрнатилган тартибдаги ариза тўлдирилади. Аризага илова қилиб, паспорт олиш учун зарур бўлган ҳужжат-

лар тақдим этилади. Айтайлик, 16 ёшга тўлаётган бўлса, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт алмаштириш керак бўлса, эски паспорти ва ҳоказолар. Паспорт алмаштириш билан шуғулланувчи масъул ходим ана шу ариза асосида фуқаро ҳақидаги биометрик маълумотларни автоматлаштирилган тизим орқали Давлат персоналлаштириш Маркази (ДПМ)га юборади. Ушбу марка эса шу асосда паспорт тайёрлайди ва бюуртма келган ички ишлар идорасига махсус почта орқали тайёр паспортларни жўнатади.

**— Хорижда бўлган мамлакатимиз фуқароларининг янги паспортга ўтиш тартиби қандай амалга оширилади?**

— Хорижда ишлайдиган, ўқийдиган ёки узок мuddат сафарда бўлган фуқароларимиз қайси давлатда бўлса, ўша ердаги Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхонасига, консуллик муассасаларига мурожаат қилиб, худди шундай керакли биометрик маълумотларни топширгач, Ташқи ишлар вазирлиги орқали бизнинг тизимимиз асосида маълумотлар ўз ўрнида ДПМга юборилади. Шу бюуртмаларга биоан тайёр бўлган паспортлар махсус дипломатик ваколатхоналарга жўнатилади.

**— Янги ҳужжатга тўлиқ ўтилгунча амалдаги паспорт ҳам муомалада бўладими?**

— Албатта, амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, биометрик паспортга ўтилгунча, яъни 2015 йилга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

**— Валоғатга етган, паспорт олиши лозим бўлган йигит-қизлар бирдигана биометрик паспорт билан таъминланадими?**

— Ўн олти ёшга тўлган ва фуқаролик паспорти олиши лозим бўлган фуқароларимизга Фармонда белгиланганидек, 2010 йилдан бошлаб янги биометрик паспортлари расмийлаштириб берилади.

**«Оила ва жамият» мухбири Назира ҚУРБОН суҳбатлашди.**

## ЁРДАМ БЕРИЛДИ

«Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани, Халқабод қўргони,

А.Темур кўчасида яшовчи фуқаро С.Омонованинг моддий ёрдам бериш ва уй-жой куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги мурожаати бўйича куйидагиларни маълум қиламиз.

Мутахассислар томонидан С.Омоновга доимий яшаб келаётган манзилидаги фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши кераклиги ва ушбу ариза

**ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ...**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли қарори билан қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан ўрнатилган тартибда кўриб чиқишли тушунтирилди.

Уй-жой куриш учун ер майдони ажратиш ваколати туман ҳокимлигига тегишли бўлганлиги сабабли ер майдони ажратишни ижо-

бий ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, Музработ тумани ҳокимига жорий йилнинг 29 июль кўни Сурхондарё вилоят

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан

837-сонли хат жўнатирилган. Ҳозирда фуқаро С.Омонованинг ёлғиз ўзи ногирон фарзандини тарбиялаётганлиги сабабли оиласи «Авжун» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан доимий назоратга олиниб, моддий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

**Ш.САЙДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Аҳоли Ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқармаси.**

Яқинда Дехқонобод туман Банд-

ликка қўмақлашувчи маркази томонидан тумандаги Қўшлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежиде ўтказилган навбатдаги меҳнат бозориде 23 та ташкилот ва муассаса бўш иш ўрин-

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

лари билан иштирок этиб, 64 нафар киши турли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириди.

Мазкур марказ директори Санжар Мусаввининг таъкидлашича, йил бошидан буён учинчи марта ўтказилган меҳнат ярмаркасида 300 га яқин киши иш билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, кўни кеча бўлиб ўтган нав-

батдаги меҳнат бозориде «Мансур», «Койнот», «Чайка» кичик корхоналари, «Бобобей» фермер ҳўжалиги ушбу тадбирда фаол иштирок этиб, бир неча кишини ишга

қабул қилди. Шу кўни 5 нафар фуқарога қайта касбга ўқитиш бўйича йўлланмалар берилди. Шунингдек, йил бошидан буён 4600 га яқин ишчи ўрни яратилиб, уларнинг асосини хотин-қизлар, ёшлар ташкил этади.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**  
**«Оила ва жамият» мухбири.**  
**Қақадарё вилояти.**

# «ОМОНАТГА ЖАМҒАРМА ҚЎЙДИМ — ПУЛИМ КЎПАЙДИ»

— дейди иштихонлик Тўйман ФАРМОНОВ

## БАНК ВА МИЖОЗ

Тўй қилишу, элга ош бериши, даниллама уйлар қуриши орзу қиладиган халқимиз. Бунинг учун йиллар давомида йиғинамиз. Жамғарган нақд пулларимизни эса кўпинча кўрпа қатида, сандиқда, умуман олганда банкдан ташқарида сақлаймиз. Нега? Чунки биттагина монополистик банк фаолият кўрсатган замонларда жамғарган пулларимизни нафақат истаган пайтимизда, балки умуман ололмаган вақтларимиз кўп бўлди. Оқибатда жамғарма кассаларга ишонч қолмаган эди. Хайриятки, истиқлол даврига келиб бу соҳада кескин ислохотлар юз берди. 2008 йилнинг 20 февралда Президентимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган, аҳолининг

банклар томонидан тавсия этилаётган ўнлаб турдаги омонат жамғармаларига бўлган ишончи ва муносабати кескин ўзгарди.

— Рост, аввал кўпчилик жамғарма пулларини банкда эмас, сандиқда сақлайди ёхуд пул ўрнини босувчи товарга айлантларди. Бу билан улар иқтисодийтимиз, яъни пул айланишига салбий таъсир ўтказётганини англашмасди, — дейди «Савдогарбанк»нинг Иштихон туман филиали кредит бўлими бошлиғи Учқун Қорабев. — Тасаввур этинг, мамлакатимизда айланаётган пулларнинг 40 фоизи аҳоли кўлида қолса, бу қанчадан-қанча пенсияларнинг, нафақа пуллари, стипендияларнинг кечикишига сабаб бўлиши мумкин. Олиш бор-у бериш йўқ бўлган, газна ҳам гариблашади-да.


Президентимиз Фармони эса бу муаммо ечимини таъминлаётди. Биргина бизнинг банкда аҳолига қулай ва фойда келтирувчи турли омонат турларини тақдим этаяпмиз. Жумладан, «Тараққиёт», «Мадад», «Даромад плюс», «Комфорт», «Универсал», «Элита», «Тақдим этувчи» каби омонат турлари маблағ кўювчилар учун фойда кел-

тирмоқда. Шунинг учун ҳам Тўйман Фармонов, Вали Сўфиев каби қўлаб пенсионерларимиз, «Сайдирасулов», «Шукрулло бобо» каби фермер хўжаликлари доимий миждозларимиз. Улар бу имкониятдан унумли фойдаланишмоқда.

Биз аҳолига сифатли ва ишончли банк хизматларини кўрсатиш орқали уларнинг тизимга бўлган муносабатини яхшилаёпмиз. Масалан, 2007 йилда банкимизнинг ссуда қолдиғи 46.71,3 млн. бўлган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 6.488, млн. сўмни ташкил этди. 2007 йилда банкдаги омонатлар қолдиғи 223 млн. сўм бўлган ҳолда, 2008 йилда 259 млн. сўмни ташкил этди. Бу билан аҳолининг иқтисодий билими ошаётганини, маблағларини банк омонатларига қўйиш ҳам ўзларига, ҳам давлатга фойда эканини англаганларини билишимиз мумкин.

— Шу банкнинг доимий миждозиман, ҳар олти ойда маблағимнинг фоизини олиб кетаман, — дейди Тўйман Фармонов. — Киши доим эртасини, фарзандлари келажагини ўйлаб яшайди. Мен ҳам топган маблағимнинг маълум қисмини йиғиб борардим. Бир куни қўшим банкка омонат қўйганини, олган фоиз микдори ҳам анчагиналигини айтиб қолди. Халқимизга «мен ҳам банкка омонат қўйсамчи», деган фикр келди. Уйда пул турдими, кўнглингизга хавотир оралайверади. Аммо банк ишончли ҳамкор бўлиш билан бирга фойда манбаси ҳам экан. Йилдан йилга пулларим микдори ошиб бораёпти. Энг асосийси, керак вақтда истаган маблағимни олиш имкониятига эгаман!

Насиба ЖОНТЎРАЕВА



**Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, огирини энгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519-автожамланма давлат корхонаси маъмурияти "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

Ойлик маошлар қуйидагича:  
 Ҳайдовчилар учун 450 000 дан юқори.  
 Чиптачилар учун эса 150 000 дан юқори.  
 Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.  
 Ўқиш муддати 6 ой.  
 Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:



1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет(нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифоҳонаси)
5. "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари(нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:


Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, ( собик Иркутск) 20-уй. Мўлжал: Қорасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

## ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ!

«Мерседес бенц О-405» русумли автобуслар кимошди савдоси орқали сотишга қўйилмоқда.

Кимошди савдоси шу йилнинг 17 сентябрь куни ўтказилади.

Тошкент шаҳар 2-автобус саройи маъмурияти.



Мурожаат учун телефонлар:

296-32-60 (ходимлар бўлими). 296-55-52 (қабулхона)

## Тошкент шаҳридаги «2-автобус саройи» Очiq акциядорлик жамияти

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгиллари хушнуд қилмоқ мақсадида янги «МЕРСЕДЕС БЕНЦ LOW FLOOR КОМЕНТО» ва «ISUZU» автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

## ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ОЙЛИК МАОШЛАР: «МЕРСЕДЕС БЕНЦ» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 350 000 дан 400 000 сўмгача**  
**Чиптачилар учун: 150 000 сўмдан юқори.**

«ISUZU» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун: 250 000 дан 300 000 гача.

Чиптачилар учун: 150 000 дан юқори.

Мурожаат учун телефонлар:

296-32-60 (ходимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона)

## КЎНГИЛ МУЛКИ

### НАЖОТ ТОПАЙ СҮЙГУЛАРИНГДАН

Биламан, сен жимсан...

Жим туриб ўқийсан мактубларимни, жим туриб тинглайсан, кўнгироқларимни... сенга шу қулай, сенга шу маъқул...

Шу маъқулликни мен ўзимнинг чексиз-чегарасиз, ҳадсиз-худудсиз, шакл-шамойили мавҳум Туйғумга ўраб, чирмаб, ўзингга сўйлаганимда — юзингни мендан ўғирма! Сен юз ўғирсанг, мен кимни бу гурбатимга айбдор қиламан, кимни дардларимга шерик этаман, хаста таним оғриқларини кимга юклайман?

Биламан, сен жимсан...

Жим туриб ўқийсан хабарларимни, жим туриб, қузатиб бедор тунларимни... Билсанг, агар менга шу жимлигинг қулай, шу жимлигинг маъқул эди негадир. Қара, тиззанга бош қўйган туйғум, сендан уялиб, кўзини олиб қочаяпти, ҳасратни куйдирган ҳисларим лабларингга бош уриб, йиғлагиси келяпти... Афсуски, шу хушбўй туйғум қалбинг торини чертишга, ҳисларим эса кўзларинг ўтини ёндиришга қодир эмас ва билсанг, агар шу қодир эмаслигим менга қулай... Менга ўнғай... Сен доимгидек ўзингнинг севимли, минг йил бурун соғинчимдан мерос қолган, қора чарм креслонгдаги рашқинг тубига чўкиб, мени тинлар экансан: сўнги бөр демоқчи бўлганим, сенга осмонимни ҳада этмайман, соғинчимни тухфа қилмайман, шунчаки, сенинг бедор тунларимдай қора сочларингни нигоҳим билан тараб, сени ўзимдан йироқ туттайман, энди...

Биламан, сен жимсан...

Мен эса шу жимлигингни севганман, шу жимлигингни соғинганман, йўқлик қаърини маъқул топган рашқингни аллалаганман, сен уйқудалигингда фақат, фақат... Бугун менга сўйла...

Сўйла, минг йил аввал юрагингга ақиқ сочларимнинг бўйлаганини, қора кўзларингга ўйноқи нигоҳларим-ла тамга босганимни, тунги эфирдаги соҳиру сокин овозинг менинг йиғлоқи овозимга тенглашганини, бедор шеврларингни менга атаб ўқиганингни, бу нолаларинг ёлғиз меники эканлигини...

Сўйла... Сўйла... Сўйла...

Сўйлаки, ором олсин минг йил кўз ёш тўкиб толиққан кўзларим сенинг титроқ қафтингда, гурбат қўланкаси соя солган қўлбамга қўш янглиг овозинг нур сочсин ва мен нажот топай, умид қилай сўйгуларингдан

...биламан, мени севсан!

Доим севгансан... Лек айтгин, сен нега доимо жимсан? Айт, нега жимсан?

Гўзал РАВШАНОВА

# «УЙГА ҚАЙТСА, КЕЧИРАМАН»

«Эркак зотига ишонч йўқ экан, гарчи у беш йиллик ёстиқдошинг, тўрт болангинг отаси бўлса ҳам...

Менинг эрим ҳам кўй оғзидан чўп олмаган, мўмин-қобилгина эди. Тошкентга бориб, феъли айнаиди. Ўзига қолса, шаҳарга бормасди-я, ҳаммасига ўзим сабабчман. Бир куни:

— Кўлингизда гулдай хунарингиз бор. Баҳор келишини, дала ишлари бошланишини уйда кутиб ётаверасизми? — деб жаврадим.

— Тошкентда қишин-ёзин иш тугамайди. Икки ой эмас, борингки, бир ой бели бакуватроқ одамнинг уйда ишланганга, бир мавсум далада ишлаганингиздан кўпроқ пул оласиз, — дедим.

Бир эрни измига юргизолмаган хотин хотинми? У ҳали узил-кесил қарорга келмасидан, мен сафар тайёргарлигини бошладим. Кийим-кечакларини сумкага жойлаб қўйдим. Эрим шу кетганича, йигирма кундан сўнг қайтди. Иши бароридан келган шекли, болаларга бир дунё совға-салом олибди. «Мана буни рўзғорга ишлатасан» деб, менга анчагина пул ҳам берди. Тошкентда нима иш билан шуғулланганини ўзи айтмади, мен ҳам сўраб-суриштириб ўтирмадим.

Хуллас, даъват, дашномим сабаб бўлиб, эрим Тошкентда тирикчилик қилишга ўрганди. Баҳорда далага чиқ-

мади. Қайтанга шуниси яхши, уйга ойма-ой жарақ-жарақ пул келаяпти. Афсуски, хурсандлигим узоққа чўзилмади.

Бир гал эрим икки ой деганда уйга қайтди. Жуда башанг кийиниб олибди, кўлида «сотка». «Шунақа қилмасам бўлмади. Шаҳарда юрганингдан кейин одамлар уст-бошингга қараб муомала қилади», деб изоҳ берди. Худди у ёқда йўлига биров кўз тикиб тургандек эртаси куни жўнаб кетди. Эримнинг уйга кам пул олиб келгани, шаҳарга кетгани ҳам майли. Назаримда у ўзгарган, менга нисбатан бефарқ бўлиб қолганди. Энди келса, шаҳарга бормасиз, деб айтаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Шу кетишда олти ой дом-дарақсиз кетса денг. Болаларим ҳадеб бир гапни қайтаришади: «Дадам қачон келади?» Мен эса «Тинчликмикан, мазалари бўлмай қолдимми?» деб юрагимга гулгула тушди. Бир томондан йиққан-терганимизнинг ҳам таги кўриниб қолди. Тошкентга бориб-келиб юрадиган бир-икки ҳамқишлоқ йигитлардан эримни сўрасам, улар

«кўрмадик», дейишди. Болаларимнинг отаси қаерда туришини, қаерда ишлашини билганимда Тошкентга ўзим

## ✓ МАКТУБ

шаҳарда бир бозорчи аёлга уйланиб олганмиш. Нима жин урди? Ишонгим келмади.

Кўярда-кўймай укамни Тошкентга жўнатдим. «Бориб, поччанг билан учрашиб, ҳақиқатни билиб келасан», дедим. Охирги дақиқаларга эримнинг мандан, болаларидан воз кечганига ишонолмай ўтирдим. Икки кундан сўнг укамнинг боши эгилиб, авзойи бузилиб қайтди.

— Опа, тарқалган гап-сўзлар чин экан...

«Эр бермоқ — жон бермоқ» билан баробар дейдилар. Вой, кўз очиб кўрган эримдан қандай умидимни узай? дейман ичимда. Сиртимда ўзимни юпатаман: ҳар бир одамнинг бошида яхши-ёмон кунлар ҳам бўлади. Ҳаёт аслида синовдан иборат. Лекин оила деган тушунча ҳаммиша муқаддас бўлиб қолаверади. Йиллар ўтиб, фарзандларим воёга етади. Насиб қилса, пул ҳам, бойлик ҳам топилар. Лекин номард, ўз тинчини, вақтинчалик хузур-ҳаловатини ўйлаган нокас эрим ўша пайтда уларнинг кўзига қандай қарайди? Шаҳарлик ўша аёл унга хотинлик қилармикан? Лекин ҳали ҳам кеч эмас. Агар эрим

борардим, бахтга қарши билмайман. Энди кутишдан бошқа чорам қолмади.

Ўша ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрган кунларнинг бирини да кишлоқда узункулоқ гап тарқалди. Эшитишимча, эрим

ортага қайтса, болаларимнинг ҳаққи-хурмати уни кечиришга тайёрман».

**М.ҲАМИДОВ**нинг дил ноласини **Суюндик МАМИРОВ** ёзиб олди.



«**ФАЗО**» — бу сўзни ишлатаётганимизда асосан, «осмон», «само» маъноларида тушунамиз. Бироқ Навоий асарлари лугатида изоҳланишича, «фазо» сўзи арабча сўз бўлиб, унинг биринчи маъноси «очик ер, майдон, кенглик», иккинчи маъноси эса «самовий жисмлар орасидаги бўшлиқ» мазмунини англатар экан.

«**САКТА**» — биз бугунги тилимизда мияга қон қуйилиб беҳуш ётишни кўпроқ «кома», «апоплексия» атамалари билан атаймиз. «Сакта» сўзи муқаддас адабиётимизда шундай ҳолга тушган одамларга нисбатан ишлатилган. Унинг асл маъноси «турғунлик»ни билдиради. Навоий асарлари лугатида «сакта»нинг учинчи маъноси «шеърда вазн жиҳатдан тўмтоқлик, нота-момлик» деб кўрсатилган. Ҳар учала маънода ҳам мантикий боғланиш кўриниб турибди.

«**НУФУЗ**» — бу сўзни биз обрў, эътибор, даража, мавқеъ маъноларида ишлатамиз. Лекин унинг туб маъноси бундан биров фарқ қилади. Лугатда «Нуфуз» арабча сўз бўлиб, «асар қилиш, ўтиш, кириш, таъсир» маъноларини билдириши изоҳланган.

**Эшқобил ШУКУР** тайёрлади.

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

### «ZENN-SHANS»

#### ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

*Абитуриентларни олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.*

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради. Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс жадалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларини сотиб олиш мумкин.

**Машғулотлар сентярдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзё, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, «Муеақиллик» кўчаси, 39-уй.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ, БОРДОНКЎЛ ҚЎРҒОНИДА ЖОЙЛАШГАН «5-СОН АВТОКОРХОНА»

### ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## «ПОЙТАХТ АУКЦИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2009 йилнинг 17 сентябрь куни «Mercedes — Бенц О 405» русумли автобусларининг КИМОШДИ САВДОЛАРИ ўтказилишини маълум қилади.



## ИМКОНИАТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

**ДУШАНБА 14**

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон»

**07.15 ТелеТеатр:** «Командиндан ўргилай».

07.50 «Олтин мерос».

08.00 «Ташлинома».

08.40 - 09.40 «Маънавият» дастури.

«Болалар сайёраси».

9.40 «Болалар дунёси».

10.00 «Кулол». М/ф.

10.10 ТВ - анонс.

10.15 «Кирол Сежонг».

11.00 «Ахборот».

11.10 «Муҳаддас қадамжолар».

11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон мини-атласи».

12.00 «Ассалом, Ўзбекистон».

**12.55 Миллий кино:** «Бахт қадри».

14.00 «Ахборот».

14.20 «Ватанпарвар».

15.00 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаррида».

15.50 «Келажакимиз гарови».

16.20 «Аёл бахти».

16.40 «Икки дарё оралигида».

17.00 «Ахборот».

17.10 «Кишлоқ шифокори».

«Болалар сайёраси».

17.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

**17.50 Миллий сериал:** «Турмуш чорраҳаларида».

18.35 «Рамазон тухфаси».

18.55 «Бир кун».

19.20 «ТВ - шифокор».

19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот». /рус/.

**20.00 ТВ - анонс.**

**20.05 Миллий сериал:** «Тугаш тақдирлар».

20.45 «Ватанимни куйлайман».

21.00 «Ахборот».

21.30 «Парламент вақти».

21.50 «Кирол Сежонг».

22.35 «Иқлим».

10.10 ТВ - анонс.

22.45 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаррида».

**YOSHLAR**

07.00 «Салом, ёшлар!»

08.00 «Дил пайванди». Т/с.

08.50 «Табиятни асрайлик!»

09.00 «Бобур хазинаси».

**09.05 «Шерюрак». Т/с.**

09.50 «Истиқлол шухуқи».

10.00 «ДАВР». Хафта якуни.

10.30 «Давринг боласи».

10.40 «Нашма».

10.45 «Китоб - офтоб».

10.55 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».

11.00 «Афсона ва ҳақиқат».

11.45 «Хаёт завқи».

12.00 «Тошкентнома».

12.30 «Yoshlar-FM».

12.55 «Истиқлол саодати».

13.00 «Камолот хабарлари».

13.10 «Давринг боласи».

13.20 «Устозлар».

13.30 «Тонгги шудринг».

14.20 «Хаёт симфонияси».

14.30 «KINOMANIYA».

15.00 «Салом, ёшлар!».

16.00 «ДАВР».

16.10 «Давринг боласи».

16.20 «Миллий мультфильм».

16.30 «Фанга бир назар».

**16.45 «Ёшлар ва таълим».**

16.55 «Тошкент таронаси».

**17.00 «Хаётда ҳамма нарса бўлади». Б/ф.**

18.30 «Янги мавсум».

18.45 «Истиқлол навоси».

19.00 «ДАВР».

**19.30 «Тонгги шудринг».**

20.20 «Сехри куллар».

21.00 «Шерюрак». Т/с.

21.50 «Кўнгил».

22.00 «ДАВР».

**22.30 Миллий кино:** «Гап».

23.00 «Табассум қил!».

**23.40 Митти сериал:** «Каминанинг оиласи».

**TOPIKENT**

14.55 «Кўрсатувлар тартиби».

**15.00 «Пойтахт».**

15.20 «Анонс».

15.25 «Аёл қалби». Т/с.

16.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Х/ф.

17.15 «Қандай гўзал бу дунё».

Т/ф.

17.30 «Хуқуқшунос маслаҳатчи».

17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». М/ф.

17.45 «Карвонсарой».

17.55 «Телекуррьер-маркет».

18.15 «Тошкентнинг илм масканлари».

18.25 «Анонс».

**18.30 «Пойтахт».**

18.50 «Муҳаббат қаваси». Т/с.

19.40 Бизнес-«Пойтахт».

19.45 «Анонс».

19.50 «Саломат бўлинг».

/рус/.

**20.00 «Пойтахт». /рус/.**

20.20 «Анонс».

20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.

21.00 «Аёл қалби».

21.20 «Уйларим».

21.25 «Анонс».

**21.30 «Пойтахт».**

21.50 «Анонс».

21.55 «Телекуррьер-маркет».

22.15 «Кино SMS со звездами».

22.20 «Друг невесты». Х/ф.

**SPORT**

**Телетомошабинлар диққатига!**

Профилактика муносабати билан, 14 сентябрь куни «Sport» телерадиоканали ўз курсатувларини 18.00 дан бошлайди.

18.00 «Тет-а-тет».

18.10 «Баркамол авлод».

18.30 «Хабарлар» (рус тил)

**18.55 Теннис. АҚШ очик чемпионати. Финал. Аёллар.**

19.40 Футзал. Ассоциация кубогии. Ярим финал.

21.00 «Футбол шарҳи».

**21.30 «Хабарлар» (узб. тил)**

21.55 ИнтерФутбол.

23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!».

**TV-MARKAZ**

07.00 Ўзбек наволари

08.00 «Жасига ўшаши йўқ»

08.30 Ўзбек наволари

09.30 Сериал «Притворшик»

10.30 Ўзбек наволари

11.30 «Я, легенда». Х/ф

13.30 Ўзбек наволари

14.20 Prime time (рус)

14.30 «Премьера» (рус)

15.00 «Жасига ўшаши йўқ»

15.30 «Тайни смолвилла»

16.30 Ўзбек наволари

17.30 «Топ-10»

18.30 «Жасига ўшаши йўқ»

19.00 Ўзбек наволари

нинг икки миллиард киши томоша қилган эди. 1979 йили бўлиб ўтган бу тўй миллионлар қалбиди яна... Золушканинг тақдирини ишонч уйғотди. Англиянинг энг машхур дизайнерлари томонидан тикилган қимматбаҳо келинлик либосидаги соҳибжамол келин Виндзор саройининг балконида уни олқишлаётган юз минглаб одамларга табассум қилар, ёш келин-куёвнинг қадамларига ёғилаётган миллионлаб гулдасталар бу бахтиёр қизнинг қиёфасини янада жозибали кўрсатарди.

Диана гарчи «аслзодалар» табақасига мансуб бўлса-да, ҳаётини ниҳоятда оғир кечган, ота-онасининг ажрашиши, онасининг эрга тегиб кетиши натижасида қиз қаровсиз қолганди. Кейинчалик ўзи бу кунларни эслаб, «мен қоринимни тўйдириб учун баъзи кунлар хизматкорлик қилишга, кексаларни парваришlash, энагалик қилишга ҳам мажбур бўлганман» деб яширмасди.

Диананинг саройдаги илк кунлари мухбирлар, фотографларнинг эътиборидан қолмади. Диана саройга илк қадам қўйган кунлариданок бу никоҳ шаҳзода-

қиз икки севишганининг пинҳона учрашувлари учун ниҳоятда қўлай вариант эди.

Диана кетма-кет икки ўғилнинг онаси бўлди. Эр-хотин ўртасидаги совуқ муносабатларни эса унинг чиройли табассуми берkitиб турарди. Эрининг хиёнатларидан хабар топган Диана неча бор ўз ҳаётига суиқасд қилишга жазм қилди.

1997 йилнинг ўттизинчи август тундида эса машхум автоҳалокат Дианани ҳаётдан олиб кетди. Ўша кун миллионлаб одамлар учун қарий 18 йил давом этган «Золушка» эртаги фожеали тарзда ниҳоя толди...

«Золушка» эртаги баҳона ҳаётда бу воқеага ўхшаш тақдирли аёллар ҳақида фикр юритишга тўғри келди. Бу аёлларни бирлаштирадиган хусусият шундаки, уларнинг ҳаммалари бахтли бўлишни ниҳоятда исташарди. Лекин бахт, ҳақиқий бахт ҳашамларга тўла ҳаётда эмаслигини яхши англаш олмадилар. Ҳақиқий бахт — инсоннинг ўз меҳнати билан яратилиши эканини тушунганларида эди.

Чарос БАХРИЕВА

## AK STAR VERDI «МАРҲУБА» САЛОНИ

**5000 хилдаги «ЭЛИТА» услубидаги пардалар,  
ҳар хил турдаги келин кўйлақлари тикамиз  
(ижарага ҳам берилади).**

- **Сартарошхона**
- **Соч турмақлари**
- **Макияж**
- **Маникюр**
- **Педикюр хизматлари кўрсатилади.**
- **Таклифномалар, визит-калар тайёрланади.**



**Манзил:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний 1-Б, 2-уй, 7-секция.  
**Мўлжал:** «Тинчлик» метроси.  
**Мурожаат учун телефонлар:** 242-86-30, 537-77-73, 170-70-50.

## «ФАН» ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ

**Абитуриентларни куйидаги таълим йўналишлари бўйича 2010 йилги давлат тест синовларига кафолатли тайёрлайди:**

**Ижтимоий йўналиш:** тарих, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент юридик институти, Тошкент милиция академияси, Тошкент олий божхона институти, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети ва бошқаларга).

**Иқтисодий йўналиш:** математика, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили (Тошкент молия институти, Тошкент иқтисодий университети ва бошқаларга).

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия институти, Тошкент фармацевтика институти ва барча тиббиёт институтига ва тиббиёт коллежларига).

**Техника йўналиши:** физика, математика, ўзбек тили ва адабиёти (Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат техника университети ва бошқаларга).

**Ётоқхона бор. Марказ барча фанлар бўйича юқори малакали ўқитувчиларни танлов асосида ишга таклиф қилади.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, «Чилонзор» ва «Мирзо Улуғбек» метролари оралиғида, 44-А бино, 6-қават.  
**ТЕЛ:** 244-96-99, 273-97-76, 719-52-50, 338-41-03.



...Қоғозларга кўмилиб ўтирсам, бириччи қаватдан кўнгирак бўлди:

— Сизни бир онахон сўрапти, узоқдан келганга ўхшайди, — деди қоровул тоға.

Пастга тушдим. Чехрасидан умри меҳнат билан ўтганиги шундоқ сезилиб турган аёл мен билан қадрдонлардай кўришди.

— Кўшни вилоятдан келгандим, кизим. Сиз билан бир масалада гаплашмоқчи эдим. Агар вақтингиз бўлса...

У кишини хонага бошлаб чиқдим. Нима гаплигини сўрашим боланоқ, кўзлари ёшланди.

— Узим ҳеч қаерда ўқимаганман, — деди онахон. Етимликда улгайгандим, болаларимнинг ҳам пешонасига шундай

ҳеч қаерга сизмай кетаверардим.

Хаш-паш дегунча, тўй ҳам бўлиб ўтди. Кўни-кўшилларим бор бўлишин, борларини аямай, ёнимда туриб, тўйни ўтказиб беришди.

Келин қандай чиқди, дерсиз? У шунчалар хушмуомала, эгчил, саришта эдики, у билан бирга уйимга файз кирганидан теримга сизмай қувонардим. Ўғлим ҳам назаримда, ҳаётдан мамнун, бахтли эди. Шунча тортган азобларим, чеккан машаққатларим роҳатини қурайдиган кун келганидан кечаю-кундуз Яратганга беадад шукроналар айттардим. Бу орада келин ҳомиладор бўлди. Бир қувончимиз ўн бўлди. Уни эҳтиётлардик, ўғлим ҳар куни келиннинг кўнгли тусаган егуликларни олиб келар, уларнинг ўзаро

кўчада кўриб қолиб, кўрқитди. «Агар фалон минг сўм пул бермасанг, мана бу суратларни эрингга, қайнонанига кўрсатаман, оиланг бузилиб кетади», — деди. Кўрдим, ширингина оилам, бахтимни йўқоттишдан кўрдим, ойижон. Тилла тақинчоқларини йўқотмагандим. Сотиб, пулларини ўшанга бергандим, ойижон.

— Яна нима истаяпти у?

— Яна... Яна пул сўрапти...

— Қанча?

— Беш юз минг.

Ўйлашиб қолдим. Бунча пул айтмоққа осон. Аросатда қолдим. Ўғлим бу гаплардан хабар топса, нима бўлади деган савол тинчлик бермасди. Оиласи бузилиб кетиши тайин. Унда бу қизнинг, набирамнинг кейинги тақдири қандай кечади?

## ✓ ҚИСМАТ ҲИЙНЛАРИ

хонамга кириб, кийимларини алмаштирмоқчи бўлгандим, уйда киядиган кўйлагим орасидан бир қоғоз ерга тушди. Очиб қарасам, хат. Шошганча ўқий бошладим. Уни келиним ёзган эди. Мана, ўша хат, ўзингиз ўқий қолинг.

Онахон сумкасида бир хат чиқариб, менга узатди.

«Ойижон, гарчи сизни «ойи» дейишга ҳаққим бўлмас-да, шу сўзни жуда-жуда айтгим келяпти. Чунки мен дунёга қайтиб фақатгина сиздан меҳр кўрдим. Сиз менга онам беролмаган меҳрни, тарбияни бердингиз. Сиздан умрбод қарздорман.

Бу хатни ўқийётганингизда, мен хонадонингизни бутунлай тарк этган бўламан. Ва ҳеч қачон қайтолмаслигимни қон йиғлаб айтмаман сизга.

Мени онам ва унинг дугонаси — мени сизга келинликка топган аёл бахтсиз қилди. Улар мени пул учун бегоналарга туҳфа қилишган ва номини оқлаб олишим учун ифратимни тиббий йўл билан тиклаб, сизга келин қилиб беришган эди. Улар мени эрим билан тағи бир-икки ой яшашимни таъкидлашган эди. Гунчилигида қабоҳат гирдобига ташланган мен — топталган гулинг ҳам кўзлари кўр бўлган, йимонини унутган ҳолда гўё боқира қиздай остонангизни ҳатлаган эдим. Соддадил ўғлингиз ҳеч нимани сезмади. Янгаларим ҳаммасини силлиқлашди.

Кунлар ўтгани сайин шунга иқрор бўла бошладимки, мен оғир ва кечирилмас гуноҳга қўл урибман. Сизлардай содда ва самимий инсонларни алдаб, ортиқ бу хонадонда яшай олмайман. Менинг гуноҳларим касрига қолган бегуноҳ гўдак олдида ҳам айбдорман.

Сизга «қиз болагимда юрган йигитим пул талаб қилапти» деб ёлгон гапиргандим. Аслида, бу пулни онам ва унинг дугонаси талаб қилишганди. Улар мени оиламдан ажралашимни, улар истган жирканч ҳаётда яна аввалгидай пул ишлаб топишимни хоҳлашди. Кўнмаганим учун тилла тақинчоқларини олиб қўйишди. Шунда ҳам унамаганимдан кейин улар «бор ҳақиқатни қайнонанинг ва эрингга айтмади, кейин истасанг ҳам улар сенинг юзингга қарашмайди», дедилар. Мен онамга сизнинг беш юз минг сўм пулингизни олиб бериб бердим ва мени тинч қўйишини, бахтли яшашимга изн беришларини сўраб, ёлвордим. Аммо ҳануз уларнинг таъкидидан қочиқула олмаяпман...

Ойижон, айтгин-чи, ўз дилбандининг бахтига чанг солган, уни фоҳишалик қилишга мажбурлаган она — онами? Оналар сиз кабиюзидан меҳр, изидан поклик ёғилиб турадиган бўлишмайдими?..

Мен дунёга келиб, атиги бир йилу тўққиз ой яшабман. Ҳа, бу сизнинг бағрингизда ўтказган кунларим. Аммо мен бу кунларда яшашда давом этишга ҳақсизман. Менинг бунга асло ҳаққим йўқ. Кеч уйгонган виждоним бунга йўл бермаяпти.

Ўғлингиз... У ҳам мени кечирсин. У каби меҳрибон умр йўлдош дунёда камдан-кам топилари. Бахтини топиб кетишига ишончим қомил. Эндиги ҳаётим қандай кетишини тасаввур қилолмайман. Мени кечирингизни умид қилиб қоламан, холос.

Келиннингиз...  
Хатни ўқидим... Юрак-бағри эзилган онага не деб жавоб айтишни билмадим. Сиз нима дейсиз, муҳтарам муштариф?

Шайло ТОШЕКОВА,  
Наманган вилояти.

# АЛДАНГАН КҮЁВ

## ёки гуноҳкор келин тавбаси

кемтиклик ёзилган эканми, бир ўғил, икки қизни ёлғиз ўзим катта қилдим. Қўлимдан нима иш келса, бажариб кетавердим, аммо норасидаларимга ҳаром лўқма едирмадим. Икки қизни эл қатори сеп қилиб узатдим. Шукр, борган жойларида тиниб-тинчиб яшашапти. Аммо... — Онахон яна кўз ёшларини тўтатолмай қолди. Бироздан сўнг сўзида давом этди: — Аммо яккаю ёлғиз ўғлимнинг тақдири келишмади. Сўзимдан чиқмайдиган, меҳнатдан қочмайдиган йигит бўлиб улгайган боламнинг уйланадиган ёшга етганини ҳам сезмай қолибман. Бир куни таниш аёллардан бири ўғлимни қачон уйлантиришим ҳақида сўраб қолди.

— Билмадим, яхши қиз бўлса, уйлантираман-да! — дедим ширин хаёллардан энтикиб.

У аёл:  
— Ўша яхши қиз бизда-да, опажон. Шундай яхшики, кўча нималигини билмайди. Чеварлигини, пазандалигини айтмайсизми. Ўғлингиз бир кўргандаёқ ёқтириб қолмас, мени синглим деманг сира.  
— Ундай деманг...  
— Йўқ, сиз менинг гапларимга қўлоқ солинг...

Хуллас, у мени роса авради. Қизни-кига совчиликка боришга кўндирди. Овсинимни етаклаб, икки кундан кейин у айтган манзилга бордик. Олдиёқгина қишлоқ ҳовлиси экан, бундан кўнглим таскин топди. Чунки қишлоқ қизлари содда ва самимий бўлишди, деб ўйлардим. Аммо қизнинг онаси негадир безовта кўринди. Бунинг сабабини сўрагандим, ўртада турган аёл «қизни бегона жойга бераётганидан қайси она ташвишга тушмайди», — деди. Қиз билан йигит кўришадиган, агар бир-бирларига маъқул келишса, тўй қиладиган бўлди. Эртаси кунийёқ ёшлар учрашди. Қиз ўғлимга ёқибди. Тўй куни белгиланди.

Буларнинг ҳаммаси шу қадар тез рўй берардики, ақлимни йиғиб ололмасдим. Нимадандир кўнглим гашланар, ўғлимдан: «Қиз чиндан ҳам сенга ёқдимми ўзи?» — дея қайта-қайта сўрашдан чарчасдим. Назаримда, у ҳам яна менинг кўнглимга қараётгандай эди.

— Бирор ёқтирганинг бўлса айт, ҳали ҳам кеч эмас, — дедим.

— Йўқ, ойижон, ҳаммаси яхши. Одобли, эсли-хушли қизга ўхшайди. Чиройи ҳам чакмас. Муҳими, сизнинг ҳурматингизни қилса бўлган, — деди у.

Бу гаплардан кўнглим салгина таскин топгандай бўларди-ю, бироз ўтмай яна

меҳрибончиликларини кўриб, яна севи-нардим. Уни келин дегим келмас, қизларимдан-да ортиқ меҳримни бергим келарди. У ҳам мени «ойижон»лаб ўтқизгани жой тополмасди.

Вақти-соати етиб, келиннинг кўзи ёриди. Қиз набирали бўлдим. Қурбим етганича сарпо тайёрлаб, боришим сарфлаб уни туғруқхонадан олиб чиқдим. Бизникида беш-олти кун турган, онаси келиб олиб кетди. Чилласи чиққандан сўнг она-болани уйимизга қайтариб олиб келдик. Бироқ шу кундан бошлаб келиннинг ўзгариб қолганини сездим. Қандайдир паришон, қўли ишга бормайди. Ҳатто боласига ҳам ёлчитиб қарамайди. Неча марта ўғлимни саволга тутдим, ўзида сўрадим, бирор жўли гап айтмади. «Тилла тақинчоқларини йўқотдим. Ўшанга мазам бўлмапти», дейди-да, уйига кириб кетиб, ётаверади. Телефон жирингласа, кўзларидаги бесаранжомлик, ҳадик-хавотир минг чандон ортиб кетади. Ахийри, сабрим чидамади. Астойдил туриб, нима гаплигини сўрадим.

— Ойижон, мени кечиринг!

Келин ўзини менинг баргимга отганича хўнграб йиғлаб юборди. Юрагим қандайдир нотинчликни сездим.

— Нима гаплигини очиб айтсангиз, кечираман. Аммо...

— Ўғлингизга турмушга чиқишдан аввал кўшни йигит билан севишиб юрган-дик. Унда бирга тушган суратларимиз бор экан. Онамкидалигимда бир куни мени

Ҳозир таҳдид қилишга ўтган йигит эридан ажралгач, тинч кўярмиди?

Хуллас, ўйлаб-ўйлаб келин айтган пулни топишга қарор қилдим. Қарз-ҳавола қилиб, беш юз минг сўмни келиннинг қўлига тутқазар эканман, ўша йигит билан орани очиб қилиб келишни тайинладим.

Шундай қилиб, иккимизнинг ўртамизда «дахшатли» сир пайдо бўлди ва бу вақти келиб, ўғлимнинг бахтини, шаънини паймол этди.

Ўша воқеадан кейин келин сал ўзига келгандай бўлди. Мен уззукун ишлаб, қарзларни уздим. Набирам дўмбоққина қизалоқ бўлиб қолди, у уйимизнинг чирогини эди, гўё. Бир лаҳза кўрмасак, ўғлим ҳам, мен ҳам соғинамиз.

Бир куни ўғлим билан узоқ қариндошимизникига тўйга кетдик. Келин уйда боласи билан ёлғиз қолди. Азонлаб уйдан чиқиб кетиб, оқшом чоғи қайтдик. Йўл-йўлакай набирамга анча нарсалар харид қилдик. Лекин уйга келсак, дарвоза қулф. Келин қалитни кўшнига берибдию, лекин қаерга кетаётганини айтмабди ҳам. Хавотир билан ичкарига кирдик. Чунки унинг сўроқсиз бирор жойга борадиган одати йўқ эди-да!

— Сен салгина нафасингни ростлаб олгин-да, келин қайнонанинг олдида бор-чи, балки ўша ёққа кетгандир? — дедим ўғлимга.

У апиал-тапиал қўлидаги юкларни ташлади-да, ортига бурилиб чиқиб кетди. Ўз

## «ХОЛИС ХИЗМАТ» ҚИММАТГА ТУШДИ ✓ ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Сухбатилла валюта айирбошлаш шаҳобчасидан доллар олиши керак эди. Лекин «ха» деганда унга ёрдам берадиган одам топилмади. Ноилоҳ бозорга чиқиб, Севара деган аёлни топиб, бу ноқонуний ишни сажариши учун унга 7000 сўм пул беришини ваъда қилди.

Шу йилнинг 27 февралда улар Юнусобод тумани «Олой» бозори ҳудудидаги

«Баҳор» савдо комплекси ичида жойлашган «Ипотека» банкнинг «Шайхонтохур» филиалига қарашли шаҳобча ёнига келишди. Нима қилишни олди тушунтирган Сухбатилла Севарага пуллари бериб, ичкарига киритиб юборди.

Ҳеч нарсадан беҳабар Севара ўз پاسпорти билан доллар олишга шайланди. Аммо бу «операция»дан хабардор бўлган департаментнинг

Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари Севарани жиноят устида қўлга олишди. У қилган ноқонуний хатти-ҳаракати бўйича кўрсатма берар экан, ўзида мавжуд 7.115.000 сўм пулни Сухбатилла Шерметовдан олганини, у фақатгина ўз پاسпортига доллар олиб беришга келишишганини ва бу «халис хизмати» эвазига 7000 сўм ваъда қилинганини айтди.

Шу куни департамент ходимлари шаҳобча ёнида турган яна бир йигитдан ҳам шубҳаланишди. Буни қарангки, А.Усмонов ҳам худди Севара каби арзимаган пул эвазига ноқонуний валюта айирбошлашга кирган экан. Текширув жараёнида у ҳам ёнидан чиққан 7.115.000 сўмнинг фуқаро Ю.Чориевга тегишли эканини тани олди. Хуллас, ноқонуний фойда

кетидан қувиб, жиноят кўчасига кириб қолишнинг охири бу гал ҳам яхшилик билан якунланишди. Қонунбузарлар очик суд залида айбларига иқрор бўлишди ва жазога тортилишди.

Жаҳонгир ЗОКИРОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси ВОЖАБЭО0 бўлими катта инспектори



ЭРКАКЛАР БУРЧАГИ

Сарлавҳани ўқиб, ҳайрон бўлманг. Чунки простата безини қадимда урологлар айнан шундай деб аташган экан. Ҳақиқатан ҳам бу номлашида бир дунё маъно бор: ахир бу аъзосиз эркак киши на фарзанд кўра олади, на яшашида мазмун бўлади. Бир сўз билан айтганда, усиз ҳаёт завқи татимайди.

## «ИККИНЧИ ЮРАК»НИ АСРАНГ!

Простата ёки простата беши қовуқ остида жойлашган бўлиб, сийдик каналининг бошланғич қисмларини ўраб туради. Унинг фаолияти ниҳоятда муҳим: у уруннинг бир қисмини ишлаб чиқаради ва уруғ чиришида ҳам иштирок этади. Ундан ташқари простата беши эркакларда сийдик ушлаб туришда ҳам аҳамияти катта. Кўпчилик эркакларнинг бу аъзоси жинсий баалоғатта етиш давридан бошлаб жабр кўради. АҚШ ва Европа мамлакатларида эркак аҳолининг 35% қисми ҳаётида бир марта бўлса ҳам простатит хасталиги белгиларини ўзида ҳис қилади. 19% эркакларда эса «сурункали простатит» ташхиси тасдиқланади.

Бу касалликнинг ривожланишига асосий сабаб — простата беши ичига инфекция тушишидир. Бунга эса унинг кичик чанокдаги анатомик жойлашуви ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Простата беши ичига қовуқ, сийдик йўли, тўғри ичакдан қон томир ёки лимфа томирлари орқали инфекциялар кириши мумкин. Аммо фақат шунинг ўзигагина касаллик белгиларини намоён қила олмайди. Простатининг бундай нуқулай жойлашганлиги сабабли турли хил инфекцияларнинг кириши оддий ҳол ва умуман билдирмай ўтиб кетиши мумкин. Унинг белгилари қуйидагича:

- организмнинг умумий совқотиши;
- ич келишидаги муаммолар (кўпроқ ич қотиши);
- кам ҳаракатли турмуш тарзи;
- узок вақт жинсий муносабатда бўлмаслик;
- сурункали яллиғланиш касалликлари (масалан, сурункали бронхит) ва сурункали инфекция ўчоқлари (тонзилит, кармесли тишлар);
- ўтказилган тери таносил ва урологик касалликлар (гонорейя, уритрит ва б.).

Простатит — простата безининг яллиғланиши — эркаклар жинсий аъзолари билан боғлиқ касалликлар орасида энг кўп учрайдиган дарддир. Простата беши суоқлиги бактерияларни ўлдирish хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун, инфекцияни простата беши ичига киришдан ташқари простата беши суоқлигининг димланиши ва кичик чанокдаги веноз қон айланишининг бузилиши кўринишидаги мойиллик ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолат эса совқо-

тиш, ич қотиши, спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, узок вақт ўтириб ишлаганда келиб чиқади.

Простатитнинг ўткир ва сурункали турлари бор. Ўткир простатит — аниқ белгиларга эга бўлиб, ташхис қўйиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Беморни ораликдаги оғриқлар, тез-тез ва оғрикли сийиш безовта қилади. Яллиғланиш даражасига қараб, тана ҳарорати 39-40 С гача кўтарилиши мумкин. Бундай ҳолда бемор тезлик билан уролог кўригига келиши ва даволаниши керак.

Сурункали простатит касаллиги тўла даволанмаганлик оқибатида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бироқ кўп ҳолларда бирламчи сурункали жараён бўлиб, простата безидаги суоқлиқнинг туриб қолиши сабабли ривожланади. Яллиғланиш сурункали кечиб, простата беши чандиқли-склеротит ўзгаришларга учрайди. Сурункали простатитда простата беши йўлакчаларининг оклюзияси (беркилиб қолиши) ҳусоубига ишлаб чиқарилган суоқлиқ (секрет)ни туриб қолиб, фоликулалар тизимида кенгайган бўшлиқлар ҳосил бўлади.

Сурункали простатит юқумли ва юқумсиз бўлиши мумкин. Юқумли простатитнинг ривожланишига соғлом простата безида яллиғланишни қақриши мумкин бўлган ҳар қандай кўзгатувчи сабаб бўлиши мумкин. Инфекцион бўлмаган сурункали простатитга эса кичик чанокда қон айланишининг бузилиши ва простата беши ацинусларининг бир хилда бўшамаслиги сабаб бўлади.

Сурункали простатит учун оралик, думгаза, тўғри ичак соҳасидаги симилловчи оғриқлар, оғриқни ташқи жинсий аъзоларга узатилиши, пешоб вақтидаги ёқимсиз ҳид ва ачишиш бўлиши (айниқса эрталаб) мумкин. Кўпинча сурункали простатит билан оғриган беморлар жинсий фаолият сустиги (эрекциянинг кучсизлиги, уруғни тез ташлаш) дан шикоят қилишади. Бундан ташқари, уларда неврастения белгилари, иш қобилиятининг пасайиши, уйқусизлик ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

Сурункали простатитни ўз вақтида аниқлаш — самарали даволанишнинг гаровидир.  
**Баҳодир РАҲМАТУЛЛАЕВ, тиббиёт фанлари номзооди, Жаҳонгир ИСОМУҲАММЕДОВ, уролог.**

## КЎЗ ЁШИ ЗАРАР ЭМАС ✓ БИЛАСИЗМИ?


Кўз ёши кўзнинг нормал функциясини сақлаб туриш учун зарур бўлади. У кўз соққаси юзасини намлайди, мугуз парданинги силлиқ ва тоза бўлишини таъминлайди, микроблар ҳамда ёт таначаларни механик равишда ўз-ўзидан йўқотиб туради.

Бундан ташқари, кўз ёши таркибида бўладиган лизоцим деб аталадиган модда бактерицид хусусиятга эга. Соғлом одамнинг кўз ёши тиниқ, бир оз ишқорий реакцияга эга бўлади ва таркибида 99 фоиз сув, 0,1 фоизга яқин оксил ё тахминан 0,8 фоиз минерал тузлар бор. Шунга қўра, кўз ёшининг таъми шўр бўлади. Сутка мобайнида бир куб сантиметр кўз ёши ажрали-

ши нормал ҳисобланади.

Кўз ёшини шиллиқ парда бағрида тармоқланган кичик безчалар ва кўз соққасининг юқори ташқи чеккасида жойлашган бодом мағзидек келадиган безлар ишлаб чиқаради. Улар кўз ёши чиқариш йўллари орқали бурун бўшлиғига тушади.

Нормал шароитларда кўзни намлаб туриш учун кичик безчалар ишлаб чиқарадиган суоқлик етарли бўлади. Бироқ кўз механик шикастланганда ва унинг атрофидаги соҳаларда ёки бурунда яллиғланиш жараёни пайдо бўлганда, совуқда, шамолда, шунингдек, одам ҳаяжонланганда, руҳий-асабий омиллар таъсирида катта кўз



ёши безлари ишга тушади.

Кўз ёши аппаратининг тўғри ишлаши жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳар қандай ҳолларда — кўз кўп ёшланадиган бўлса ёки аксинча кўз қуриб кетаверса, албатта, шифокорга бориш керак.  
**«Дардингизни олай» китобидан олинди.**

Малина (булдурғун)нинг кўпчилик навлари мевасининг қизил, баъзан сариқ ва тўқ қизил-қоралари ҳам учрайди. Мевасининг катта-кичкилигига қараб, йирик мевали навларга бўлинади. Меваси июннинг охири июлнинг бошларида пилшади. Бу меванинг бир йилда икки марта ҳосил берадиган навлари

си, 1-2% органик кислоталар, 9-44% витамин С, шунингдек, витамин В, каротин, пектин ҳамда хушбўй моддалар бор.

### МУРАББО ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНДИ?

Малина меваларининг эзилмаган, дона-доналари саралана-

### ✓ ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

либ, бир оз қуритилиши лозим. Қуриган мевалар сирли тоғорага солиниб, устидан иссиқ қиём қуйилади. Мураббо тайёр бўлгунча паст оловда қайнатилди. 1 кг. малинага 1 кг. шакар солинади.

## ШИФОБАХШ МАЛИНА



ҳам бор. Малина мевалари эзилмасдан яхши сақланиши учун банда билан терилади. Оддий шароитда малина бир суткагача, 0°С атрофида эса 7 суткагача сақланади. Унинг таркибида ўртача 5,7-11,5% қанд модда-

ди. Агар мева доналари устида қурт тухумлари бўлса, 10-15 дақиқа совуқ намақкобга солиб олинади. Сўнгра тоза сувга чайилади. Шунда қуртлар сув юзасига чиқади. Мевалар сув шимадиган қоғоз ёки мато устига ёйи-

### МАЙМУНЖОН


Малинанин яқин «қариндоши» маймунжонни «қора малина» ҳам деб аташади. Маймунжон меваларида глюкоза, С витамини, фруктоза, В, Е, Р витаминлари, органик кислоталар ва томофероклар бор. Маймунжон бўйрақ, сийдик йўллари хасталиклариди, қандли диабет ва бўғимлар шамоллашида тавсия этилади. Меваларини истеъмол қилиш эса фикрлаш жараёнини фаоллаштириди, хотирани яхшилайди, кўзни равшанлаштириди. Маймунжон мураббоси ҳам худди малинаникидек тайёрланади.

### РОҲАТИЖОН КОМПОТ...

1 кг. маймунжонни 3 литрлик стерилланган банкага 1 ярим стакан шакар билан устидан қайнаган сув солинг. Кейин қопқогини қўйиб, 10-15 дақиқа пастеризация қилинг ва маҳкамлаб ёпинг.

**Б.СУЛТОНОВА тайёрлади.**

## ЛАВЛАГИ НИҲОЯТДА ФОЙДАЛИ



Лавлаги киши танасида модда алмашинувини яхшилайди. Бу сабабот қанд, оксил, органик кислоталар — олма, лимон, шавел ва минерал тузларни ўзида сақлайди. Шу билан бирга таркибида ҳаёт учун зарур бўлган дармондорилар — каротин, Е, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub>, макроэлементлар — калий, кальций,

темир, йод бор. Шу моддалар туйфайли лавлаги қатор хасталикларни даволашда халқ табобатида ишлатилади.

### Лавлаги билан даволаш:

— Сурункали тумовда лавлаги шираси 3 томчидан 3 маҳал бурунга томизилади.  
— Буйрақда тош бўлса, 100 мл. спирт (ароқ) олинади-да, унга 200 мл. лавлаги шираси ва шунча қора турп шираси омухта қилинади. Қоронғуда 3 кун мобайнида сақланади. Сўнгра бир ош қошиқдан 3 маҳал таомдан олдин ичилади.

### Ангинада:

Лавлаги майда тишли қирғичдан ўтказилиб, шираси сиқиб олинади. Унга 6 фоизли сирка кислотаси, 1 стакан ширага 1 ош қошиқда аралаштирилади ва тайёр бўлган малҳам билан томоқ беш марта чайилади.

### Жигар циррози хасталигида:

Лавлаги шираси сиқиб олинган, унга турп шираси аралаштирилади. Бунда шира микдори тенг бўлиши керак ва ҳар куни 1 стакандан 2 марта ичилади.

### ✓ ТАБИАТ—ДОРИХОНА

### Шунингдек...

→ Лавлаги шираси соч тўкилишида 3 маҳал 10 кун мобайнида бошинг тери қисмига суртилса, фойда қилади.  
→ Лавлагининг сиқиб олинган сувига пахтани ботириб, сўғал устига қўйиб, боғлаб қўйилса, сўғалларни кўчиради. Даволаниш муддати 10 кун.

→ Лавлаги ёки баргининг қайнатмасига сирка кислотаси тенг микдорда қўшилиб, аралаштириб, сепкилга 2 маҳал суриб боғланса, сепкил кетади. Даволаниш муддати 10 кун.

→ Лавлагининг барг қайнатмаси (1:10 нисбатда) 2 маҳал қўйиб боғланса, яраларни тузатади.

Шуни ёдда тутиш керакки, лавлагини кўп истеъмол қилиш мейда учун зарарли, кўнгилни айнайтиди. Бунинг сабаби, унда ачиштирувчи хусусият борлигидир.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**

Саодатхон яхши оилага келин бўлиб тушди. Қайнона-қайнотасининг хурматини қилиб, турмуш ўртоғининг кўнглига йўл толиб, меҳрини қозонди-ю, келин уларнинг фарзанди бўлмади...

Йиллар бир-бирини қувиб ўтавергани сари, аёлнинг тинчи йўқолди. Кўзига фарзанддан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолди. Оқибат, яхши ният билан қадам босган остонаси-

Асадулло ака болаларига меҳрибонлик кўрсатган Саодатхондан жудаям мамнун бўлди. Яратган эгам ҳам болажон аёлдан марҳаматини дариг тутмади. Саодатхон бирин-кетин икки ўғилли бўлди. Шунда шу болаларнинг орқасидан Худо менга фарзанд берди деб, уларга меҳри ўн чандон ортди.

Ёш бўла туриб, олти фарзандга оналик қилиш қийинчиликлар

## ✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

оилалардан бирига розилик беришди. Элдан кам бўлмасин деб, тўйни кўнгилдагидек ўтказишди.

Катта оиланинг қувончи-ю ташвишлари ҳам катталаша борди. Йил ўтиб, ҳарбий хизматдан қайтган ўғиллари Азизбекни уйлантириш тараддудига тушди.

— Намунча шошмасангиз, — деди Асадулло ака хотини келинга атаган сарполарни кўрсатаётганида.

— Ҳар нарса-нинг ҳам вақтисоати бор-да. Ҳаракатни мен бошламасам... билиниб қолади-да, дадаси, — деди Саодатхон ўзига ёпишмайдиган сўзга ишора қилиб.

Асадулло ака куйиб-пишиб, ҳали уни, ҳали буни оламан деб маошидан ўзига ошинолмаётган хотинига қараб, бош ирғади.

Қариндош-уруғлари билан маслаҳатлашиб, қиз топишди. Ўғлига ҳам маъқул бўлди. Тўйнинг югур-югурлари, чарчоғи ҳам билинмади. Ҳамма расм-русумлар ўтгачина, аёлнинг кўнгли хотиржам бўлди.

Лекин тақдирнинг sinalмаган йўлилари ҳам кўп экан. Аста-секин келинчақ ўзининг хатти-ҳаракат, гап-сўзлари билан қайнонасининг юзига тик боқадиган, арзиммаган нарса устида баҳолашадиган бўлиб қолди. Ўғлида ҳам ўзига нисбатан қандайдир ўзгариш сезди. Шунча вақт ўз оилам, ўз болам деб келгани келиннинг биргина гапи билан қалби чипларчин бўлди.

— Нима бўлганда ҳам «ўғай»-сиз-да, хола, бизнинг яхши яшаётганимизни кўролмаясиз!

Ўша пайтда Саодатнинг тили калимага келмай, боши гувиллаб, миясида фақат шу аянчли сўз айланаверди. Чунки келини Гўзалхон у йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган оналик меҳрини топтаб ташлаганди гўё...

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА

## БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

Тожибой ака ишдан келиши билан неваралари қуршовида қолди. Уларни бирма-бир суйиб, эркалади. Сунгра қўлини ювиб келиб, сўрига ёнбошлади. Бир зумда тўкин дастурхон атрофида оила аъзолари жам бўлишди.

Тожибой ака бир умр ҳисобчилик қилади. Ёши бир жойга борган бўлса ҳам ҳамон тиним билмайди. Уч ўғил, бир қизи бор. Ўғиллар уйли-жойли. Қиз кенжа бўлгани учун турмушга бериш фурсати энди етди. Ота фарзандларидан хурсанд. Бари бири-бирига оқибатли, келинлари ҳам кўнгилдагидай Фақат... уч ўғилнинг ҳаммасида қиз фарзанд. Бирортаси ўғиллик бўлмади. «Ўғил бола барибир бошқача-да», деб ўйлайди баъзан. «Ҳа, тойчоғим, полвоним», деб неварга суйганга нима етсин».

Дилдан ўтганлари шу бугун тилидан чиқиб кетди: — Келинлар, яхшилаб эшитиб олинглар, — деди у дастурхон атрофидагиларга бир-бир қараб, — энди ким ўғил кўрса, ўзим катта тўй қилиб берман. Қурилайтган янги ҳовли-жой ҳам ўшанга бўлади.

Келинлар «ярқ» этиб бир-бирларига қарашди. «Илоҳим, мен ўғиллик бўлай» деб ўйлади бири. «Қиз неварга ҳисоб эмас экан-да» ўксинди бошқаси. «Ёши бир жойга бораётганида дадамнинг мияси айниб қолибди, шу ҳам гап бўлдими?» хаёлидан ўтди яна бирининг. «Ўғилми, қизми Оллоҳнинг берган неъматини-ку. Қиз бола ердан чиқибдими, ўғил бола бўлса, тўй қилиб берармишлар», ичида пичирлади кўпроқ китоб ўқийдиган яна бошқаси. «Кичик оловини ҳомиладор, илоҳим, бунисиям қиз бўлиб, чол армонда қолсин» ўйлади ўртанчаси.

Қайнсингилнинг тўйи бошланиб кетиб, бу суҳбат ҳамманинг хаёлидан кўтарилди. Йил кетидан йил ўтди. Қиз неваралар яна кўпайди.

Тожибой ака одатдагидай ишдан уйга келди, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ховли ўртасида кўч-кўрон уюлиб ётар, ичкаридан қизининг уввос тортиб йиғлаган овози келарди.

— Бунча бахтсиз бўлмасам, — зорланарди у — «Мевасиз дарахт керак эмас» дейишди. Тирноққа зорман, онажон, тирноққа. «Сизларнинг уйингиз тўла бола. Шу қизалоқлардан биттагинаси бўлса ҳам бизда йўқ» дейишди. Энди нима қиламан?..

Тожибой аканинг ёдига келинларига айтган гапи тушди. Ичи эзилди. Кўнглига пушаймонлик тўлди. «Тўй қиламан» дединг-а,» гувранди ўз-ўзига. «Ношукран, ношукр!»

Қиссадан-ҳисса шуки:

Ҳар сўзни демагил айламай фикр, Кўрган ҳар қунига шукр қил, шукр. Баҳор ХОЛБЕКОВА

## «ЎГАЙ» деса, кўкайим куйди

дан кўнгли яйрамай, она бўлолмади чикиб кетди...

Бир кам дунё экан.

...Назираҳон бирин-кетин тўрт фарзандга она бўлди. Кичик қизи Гуллола туғилганда соғлиги ёмонлашди. Ҳадеганда тузалавермади. Учрамаган дўхтири, бормаган табиби қолмади. Тузалмас дард тўрт норасидани қақшатиб, уни бу дунёдан эрта олиб кетди. Бу оилани яқиндан билганлар болаларга онанинг қарови, рўзгорга аёл кераклигини таъкидлашди.

Саодатхоннинг тақдиридан воқиф бўлганлар унга оғиз солишди. Ота-она қизининг кўнглига қараб, жўяли жавоб айтишолмади. Лекин Саодатхон болалар борлигини эшитди-ю, норасидаларнинг мунгайиб турган қиёфаси кўз олдидан кетмай қолди. Розилик берди. Ахир фарзандлари бўлишини Яратгандан илтижо қиларди-ку! Лекин... болалар уни ўз онасидай кўришармикин?

«Ахир, болам деб бағримга боссам, хувиллаган кўнглимни тўлдиришар!»

Саодатхон янги хонадонга боргунча ўзи билан ўзи олишди. Тизгинсиз ўйлар билан бу ўқсик болаларни бағрига олди. Айниқса, эндигина атак-чечак Гуллола этагига ёпишди-қолди. Хувиллаб, бевақт кемтик бўлиб қолган оила аёл киши тафти билан яна чароғон бўлди. Болаларнинг ҳам юзига қизиллик югурди.

ридан бировга нолимади. Фарзандларидан ҳам, атрофдагилардан ҳам «ўғай» деган сўзни эшитмай келди.

Бўйи етиб қолган қизи Севарага атаб, яхши ният билан сеп



йиға бошлади. Уйига совчилар сўраб келишганида қувончдан юраги энтикди. Ўзларига муносиб

меҳрини топтаб ташлаганди гўё...

## ЮРТИМИЗ ТИНЧ —

## ОИЛАМИЗ ОСОЙИШТА

**Оққўрғон туман давлат нотариал идораси бошлиғи, тажрибали ҳуқуқшунос Эркаёр Бурхонов ҳақида уни яқиндан биладиганлардан сўрасангиз, ярим ҳазил, ярим чин маънода «дам олиш нелигини билмайдиган одам» деб қўйишди. Дарҳақиқат, қачон қараманг, уни одамлар йўқлаб, излаб юришади. Ҳеч кимдан керакли ёрдамни аямаядиган бу инсон ўн йилки, нотариал идора раҳбаридир.**



— Бировларга керак бўлиб яшаган одам қай соҳада ишлаётган бўлмасин, ҳеч қачон касбидан ҳам, ҳаётидан ҳам норози бўлмайди, — дея гап бошлайди суҳбатдошимиз. — Мен кўп йиллар Оққўрғон, Чиноз туманларида суд раиси, вилоят суди аъзоси, икки йил Республика Олий Судининг катта маслаҳатчиси лавозимларида ишладим. Мана шу йиллар мен учун жуда катта тажриба мактабини ўтади деса бўлади.

Ўтган давр мобайнида инсон қалби, руҳияти ниҳоятда нозик ва мураккаблигини англадим. Катта ҳаётни ўргандим. Бугунги ишимда ана шу бой тажрибалар жуда асқотяпти.

— Умуман, малакали нотариус бўлишнинг ҳам ўзига хос сир-асрорлари борми?

— Қонунчиликнинг барча соҳаларида, шу жумладан, нотариусликда ҳам қонунларни пухта билиш, тажриба тўплашдан ташқари энг аввало бу билан одамларни, уларнинг руҳий дунёсини жиддий ўрганиш керак. Чунки тўғри гапни айтиб, раҳмат эшитишингиз ёки бу билан кимнидир хафа қилишингиз ҳам мумкин-да. Нотариус суҳбатдошимнинг ҳрлатини тушуниши, вазиятга қараб, ўз фикрини айтиши лозим. Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

— Ўзига хос иш услубингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Менинг бир қизиқ одатим бор: ҳамisha иш столимда бир чойнак чой билан икки-учта пиёла туради. Хонага кирган ҳар қандай мижозга салом-алиқдан кейин албатта, бир пиёла чой тутиб, хол-аҳво-

## ✓ ОДАМЛАР ОРАСИДА

лини сўрайман. Мана шу бир пиёла чой жаҳли чиқиб турган одамни шаштидан туширса, яхши кайфиятда кирган одамнинг кўнглини янада кўтарари. Натижада суҳбатдошимиз ўз муаммосини бемалол, батафсил айта олади ва сизнинг фикрингизни ҳам тўғри қабул қилади. Шунда вақтдан ҳам ютасиз, асаббузарликка ҳам ҳолат қолмайди.

— Инсоннинг қанча йил жамиятга нафи теғди, шу билан бирга оиласида, маҳалласида обрў, эътибори қай даражада, ана шу ҳолис мезонлар хусусидаги қарашларингизни ҳам айтсангиз.

— Бу жуда мураккаб савол. Албатта, ҳар қандай одам энг аввало ўзини-ўзи имтиҳон қилиши шарт, деб ўйлайман. «Хўш, шунча йил яшаб, ишлаб, халққа, эл-улусга қанча нафим теғди, зараримчи? Энг азиз бойлигим ҳисобланган оилам, фарзандларимга муносиб ота бўлолдимми?» — деган саволлар ҳам ҳар биримизни уйлантириши керак.

Шу маънода шахсан ўзимга келсак, ношукрлик қилмайман. Худога минг қатла шукрки, ўз касбим, масъулиятли ва шарафли меҳнатим туфайли муносиб обрўга эга бўлдим. Энг муҳими, юртимиз тинч, осойишта, демак, оиламиз ҳам ахил, отов ва бир-бирига меҳрибон.

«Оила ва жамият» муҳбири  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ  
суҳбатлашди.



“09.09.09” —

# УНУТИЛМАС САНА!




*“Оила” аталмиш муборак қўрғон пештоқига  
ёзиб қўйилса арзигулик кун бу!*



*Айнан ушбу санада никоҳлари қайд этилган  
турли миллат вакилларидадан иборат ўн нафар  
келин-куёвга бахт ва саодат, меҳр-муҳаббат  
тилаймиз!*

*Аҳил ва иноқ, тинч-тотув яшамоқ бахти сиз-  
ларга насиб этсин, азиз ёшлар!*

**ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ЮНУСОБОД ТУМАНИ ФХДЁ БЎЛИМИ  
ЖАМОАСИ**



## МУЛЬТФИЛЬМ КАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Анимация – мультфильм ишлаш жараёнида зарур бўлган услуб. Яна ҳам соддароқ айтадиган бўлсак, бу — жонсиз суратга ҳаракат бағишлаш демакдир. Бу услуб илк бор XVII асрда амалга оширилган. Унда ҳам чироқдан

чиқаётган нурнинг сояси ҳисобига ҳар хил жисмларни ҳаракатга келтиришга уриниб кўришган. Бу уриниш биринчи



бор Хитойда юз беради. Кейинчалик британиялик соатсоз Хорнер ўз соат миллирининг тагига ҳар хил суратларни чизади. Соат мили ҳар сонияда бир марта олдинга юриши билан

унинг тагидидаги сурат гўё ҳаракатга келаётгандек бўлиб туюлади. Қарабсизки, мультфильмнинг илк кўринишлари намоён бўла бошлайди. Француз ихтирочиси Рейно 1880 йилда суратларни кўгирчоқларга айлантиради. 1906 йилга келиб, кинокамералар яратилганлиги туфайли АҚШда Блэкстон жаноблари биринчи бўлиб битта кадрда битта суратни ҳаракатга келтиришга эришади. Шундай қилиб, ҳамма учун бирдек ёқимли мўъжиза – мультфильм пайдо бўлади.

## ЭФИРДА НИМА ГАП?

Биз ҳар куни “Эфирда фалон эшитириш ёки кўрсатув” деган сўзларни эшитамиз. Аммо эфирнинг ўзи нима?

«Эфир» сўзини биринчи бўлиб голланд физиги Лоренц ўзининг нисбийлик принципини яратганда айтиб ўтган. У тўлқинлар қандайдир бир бўшлиқдан ўтиши, бу жой эфир деб аталишини маълум қилган: “Эфир — ҳар ерга, суюқликка ҳам, қаттиқ жисмга ҳам сингиб кетаверадиган ҳидсиз ва рангсиз моддадир”.



Куллас, биз ҳар куни эшитадиган «эфир» сўзи ана шундай қисқагина тарихга эга бўлса-да, бу кашфиёт шарофати ила бугун ҳаммамиз мириқиб телевизор кўрагимиз, радио эшитамиз, уяли телефонда гаплашамиз.

**Наргиза САРИМОВА**  
тайёрлади.

Уша машхур кўшиқдаги бу дил ноласини тинглаб, аксариятимиз махзун ўй-хаёлларга ботганимиз рост. Умрни ўткинчи, вақтни эса энг холис ҳакам деймиз ўзимизча. Лекин минг афсуски...

“Нонушта қилиб, чиқиб кетувди эрим. Шом тушяпти, ҳалиям қайтмади. “Чойхонада гапимиз бор” деганди. Кунора шу ахвол.

# УМР ЎТАР, ВАҚТ ЎТАР...

Билмайман, нима қилишдади бу эркаклар? Ҳаммасининг уйида рўзгори, бола-чақаси бор. Ул-фатларининг биттасиям ёлчи-тиб ишламайди...

“Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор” деган гап тўғри-да. Бўлмаса, “дом”-даям иш кўп, зўрга шоша-пиша болаларга овқат тайёрлаб берадию, паства чопади бизнинг хотин. Ҳар кунни тўрт-бештаси ўтирволиб, нимани гаплашишдади, ҳайронман...”

“Ишонасизми, менинг олти яшар ўғлим компьютерда 3-4 соатлаб ўйин ўйнаб ўтиради. Уртоқларигаам қўшилмайди, биз билан ҳам очилиб гаплашмайди. Нима қилсам экан-а?”

“Кеча ўқишга бораёттиб, беш юз долларлик зирагимни йўқотиб қўйдим. Ҳеч ўзимга келолма-

япман. Онамга айтсам, тамом бўлади... Билмайман, қаерда тушиб


## МУЛОҲАЗА

қолди, уйдан чиқаётганимда тақвудим, таксиди келдим. Инсофлироқ одам бўлса олиб келар деб, кечкурунча дарсгаям кирмай қутдим. Энди нима қиламан?...”

Бу ҳаётини хангомаларни эшитиб, ўқиб, энди ўзимизга ҳам бир савол

лигини ёшимиз бир жойга бориб қолганидан сўнггина англаймиз.

Бу пайтда минг афсуски, умр карвони ярим манзилга етган бўлади. Энди юқоридаги гап-сўзларнинг моҳиятига эътибор беринг: Кун бўйи чойхонадан бўшамаётган тақасалтанг эридан нолиётган аёл ёки бўлмаса “гап сотиш”, сериал



қуришга вақт топиб, эри билан бирга болалари кўнглига йўл топа олмаётган хотинидан ёзираётган эркак ноҳақми? Мурғак боласининг бегубор болагидан айрилиб, бу дунёнинг ҳузур-ҳаловати компьютерда экан, деган тасаввурга эга бўлишига сабабчи ота-онага нима деймиз? Ва ниҳоят, йўқолган зираги учун “дол” дея азоб чекаётган талаба ўзининг ҳатто соғлиги билан баб-баравар қимматга эга бўлган вақтига ҳам қайғурмаётгани... Сизни ўйга толдирмайдими?

Бундай мисолларни яна истганча келтиришимиз мумкин. Лекин бир оддий ҳақиқатни унутмайлик: Умр ўткинчи эмас, аксинча вақтимиз ҳисобли. Яратганимнинг инояти ила олаётган бир лаҳзалик нафасимиз ҳам аслида ганимат. Унинг ҳар бир дақиқасини қадрлайлик. Акс ҳолда, эртага армонда қоламиз.

Умрзоқ ҚОДИРОВ

## Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!



### «МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН»

Ҳар кун тахриримизга, шу жумладан «Бахтли бўлинг» рукнига юртимизнинг турли гўшаларидан кўлаб мактублар келади. Тўғриси-сиз кўнгириклар, юзма-юз мулоқотлар... Кўмагимизга эҳтиёжман инсонларнинг умиди, илгини бир хил: «Мен ҳам бахтли бўлармиканман?»

Гули, Самарқанд вилояти.

— Алло, бу тахририятми?  
— Ҳа, эшитамиз.  
— Жиззахдан кўнгирик қилаялман. Алишер акам яқин қариндошимизнинг қизига уйланганди. Келиноним жудаям меҳрибон, оққўнғил эди. На илож? Улар фарзандли бўлолмагани сабаб ажрашди. Ҳозир акам тушкун ахволда. Қайта уйланса, бола-чақали бўлиб кетади, деган умиддамиз. **Ёши 41 да.** Олий маълумотли. Зарарли одатлардан ҳоли. Ўй-жойи етарли.  
— Акангизнинг ўзи талаб этилган ҳужжатлари билан 1 дона суратини почта орқали жўнатсин. Албатта ёрдам берамиз!...

— Ўйлаб қўриб, тахририятга келишга қарор қилдим. — дейди ўзини Ахмад-хўжа деб таништираган киши. — Синглим, вақтингизни олмайман?  
— Эшитаман, гапираверинг.  
— Зайнаб қўшимизнинг қизи — синфдошим эди. Олий ўқув юртида ҳам бирга ўқидик. Севишиб оила қурдик. Бир-биримиз учун яралгандай эдик. Кетмакетики ўғил, бир қизли бўлдик. Оилада бахтим бут, хотиржам бўлганлигим сабаб омадним чопиб, ишим юришиб кетди. Таниган-билганларнинг ҳаваси келар-

ди. Афсуски, қисматимда бор экан. Зайнаб бедаво дардга чалинди. Шу дард билан 15 йил азоб чекди. Унинг ёнида дрим бирга бўлдим. Касалхона уйимиздай, дўхтиру ҳамширалар яқинимиздай бўлиб кетганди. Аёлим жуда романтик эди. Тушкунликка тушмасди. Ҳаётни яхши кўради. Гоҳида менга у «бошқасига уйланаверинг, розиман», дерди. «Шу касалликни икковлашиб енголмасак, қанақа одамларимиз ўзи?» дердим. Бир йилда кетма-кет ўғилларимизни уйлантириб, қизимизни узатиб, тўйлар қилдик, хен бўлмаса нурийдиларимизнинг тўйларини кўрсин, дедим. Набираларни ҳам кўрмоқ насиб этди. Дўхтирлар «умид йўқ», дейишди. Пешонамга ситмади. Бир кам дунё экан. Шунга ҳам ун йил бўлди. **Ёшим 48 да.** Тошкент шаҳрида яшайман...

— Кеча кўнгирик қилиб, тахририят манзилини сўраган Насибаман.  
— Ҳа, келинг, марҳамат, ўтиринг.  
— Газетанинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Қариндошларимдан бири газетангиз ёрдами туфайли ўз тенгини топиб, бахтли яшаётганини эшитиб қолдик. Онам ҳам мени қўярда-қўймай сизларга юборди. Турмушимдан фарзандсизлик туфайли ажрашганман. **Ёшим 45 да.** Тошкентда яшайман. Қадримга етадиган, диёнатли инсонга турмушга чиқиш ниятиданман...  
**Тамара ХУММАТОВА тайёрлади.**

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этилишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. **МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## «ИНФАРММАДАД»

### Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологисо ҳошлариди малакали ши-фокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.

**Кўплаб оилаларга фарзанд қувончини туҳфа этиб келаётган саломатлик маркази, сизнинг ҳам хонадонингизда чақалоқ овози янграшига сабабчи бўлади!**

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оҳжизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида доволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Фафур Фулом» метро бекати.  
**МУЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.  
**Тел:** (8-371) 244-73-24, 244-49-02  
Барча хизматлар лицензияланган.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга тақлиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмаклири ва макижж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлиқ — 2-3 ой уғил болалар учун. Салонда
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий ракс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд  
**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**  
Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод дехқон базори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

## Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.**  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 16:00  
**E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz**

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**  
**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**  
**Мухбирлар: 234-25-46**  
**Котибият: 233-04-35**  
**Реклама бўлими: 233-04-50**  
**Web-site: oilavajamiyat.uz**  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ — 176**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган. Бюроорта Г — 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9461  
Навбатчи — **Барно СУЛТОНОВА**  
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**  
Мусахҳилар — **Саидган САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**  
**ISSN 2010-7609** **2 3 4 5**